

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

# Оила ва жамият

## АЁЛ—ОИЛА ФАЙЗИ



қолди. Биз умидсизликдан довдираб қолдик. Онам тарвуз сувини сўрадилар. Биз озгизга тарвуз сувини томизиб ўтирдик. Бахтни қарангки, онам оёққа турди. Шундан сўнг етти йил умр кўрди. Ҳа, онам ўзини-ўзи тиклаган, бардошли инсон эди...

Олий мактабларда ўқимаган бўлса-да, ҳаёт "ўқитган", ақл кўзлари очик инсонларни кучли инсонлар деб атагим келади.

**- Сизга кўпчилик ҳавас қилади. Сиз-чи, кимларга ҳавас билан қарайсиз?**

- Бугунги ёшларга. Чунки фарзандларимиз дунё билимларини эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Мамлакатимизда рўй бераётган буюқ ўзгаришлар энг аввало ёшларнинг истиқболи учун пойдевордир. Интернет орқали жаҳоннинг турли бурчагидаги кишилар билан алоқа қилиш, замонавий техникалардан фойдаланиш бугунги ёшларимизга насиб қилмоқда. Бунга ҳавас қилмай бўладими?! Хоразмнинг чека бир қилшоғида воёга етган йигит-қизларимизга ҳам Германия, АҚШ, Япониядек қудратли давлатларда билим олиш бахти насиб этаётганидан қувонмай бўладими?! Шогирдларимни ҳамisha билимли бўлишга, жисмонан чиниқишга, меҳнатдан чарчамасликка чақираман.

- Аёл энг аввало оила файзи, ақл чироғи эканлигини унутмаслиги керак. Агар оилада тартиб-интизом, тинчлик ҳукмрон бўлмас экан, бошқаси бекор... Аёл кучли инсон. Афсуски, бу кучни нотўғри сарфарб қилаётган дугоналаримиз ҳам бор. Фарзандларини ўз холига таш-

лаб, турли баҳоналар билан хорижга иш излаб кетган аёллар, келажакда болаларидан умид қилмай кўя қолсинлар. Чунки ўғил-қизларимизга онанинг тарбияси ҳар кун, ҳар соатда зарур. Тартиббузарлик, жиноятчилик, ахлоқсизлик айнан ота-онаси узоқда юрган болалар томонидан содир этилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Фарзанд тарбиясига масъуллигини унутиб қўйишга Аёлнинг ҳаққи йўқ!

Ҳаётда қийинчиликларга дуч келганимда, уни бардош билан енгилга, ақл билан иш юритишга ҳаракат қилганман. Болаларимга сув ва нон едириб, мактабга кутатган пайтларим ҳам бўлган. Худого шукр қилиб, эртанги кундан умид билан яшаганман...

**- Оилангиз, фарзандларингиз тўғрисида гапирсангиз.**

- Умр йўлдошим Азамат Ҳабибуллаев - педагог. Узоқ йиллар ёнма-ён меҳнат қилиб, шу касбни қадрлаб келаямиз. 4 фарзандим бор. Рашидбек, Шавкатжон - Тошкентда ашашаяпти. Иккаласи ҳам фан номзоди. Шахло, Муҳаббат ҳам ўқитувчи. Келинларим қизимдан зиёда. Муюссархон, Замира ҳам педагог. 10 нафар неварам бор, Оллоҳга шукр. Фарзандларимнинг педагоглик касбини улуғлаётганлари, қадрлаётганларини кўриб қувонаман.

**- Аноржон опа, қалбингиздаги эзуглик куртаклари гуллайверсин.**

**Дилбар БЕКЖОНОВА,**  
Хоразм.



## ОЛИЙЖАНОБ КАСБ СОҶИБАСИ

1-Тошкент Давлат Тиббиёт институти қошидаги академик лицей директори, ажойиб шифокор Гулшаҳноз Назарова шифокорлик ва ўқитувчиликни энг олижаноб касб деб билади.

- Таълим масканимизда биология, кимё, она тили ва адабиёт, инглиз тили ва информатика фанлари чуқур ўргатилади, - дейди у. Битирувчиларга аттестат билан бирга кичик тиббиёт ходими, лаборант ва техник оператор мутахассислиги бўйича диплом ҳам берилади.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Муҳтабар Аъзамованинг ташаббуси билан тез-тез ўқувчиларни қизиқтирадиган мавзуларда тадбирлар ўтказилади. Бу тадбирларга ота-оналар ҳам таклиф этилади. Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ноибатхон Саидахмедова ёшларни, айниқса, қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратаяпти.

Гулшаҳноз онанинг турмуш ўртоғи Аҳмаджон ақанинг касби фармацевт. Турт ўғил — ота-онанинг тўртта суянч тоғи. Беҳзоджон, Дилмуродбек, Фарҳоджон ва Бобурмирозо ўзлари танлаган касблари орқали элга хизмат қилишаяпти. Гулшаҳноз опа - қайнона-қайнона-қайнона қаттиқ меҳр қўйганининг шукрини келинларидан кўрди. Марҳабохон, Дилдорахон бу оилага қиз бўлиб келишди, қиз меҳрига интизор кўнгилларни тўлдиришди.

Гулшаҳноз опа билан суҳбатлашиб, кўнглимдан қуйидаги мисралар кечди:

**"Энг яхши одам шу, кимдан халқига,  
Қандайдир наф тегар, ҳар кун, ҳар дам..."**  
**Х. ХАМРОЕВА**



**Фаргона вилоят, Бувайда тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Эркинжон Гафуров оила ва мактаб ҳамкорлиги ҳақида шундай дейди:**

- Фарзандларимизнинг униб-ўсиши, таълим-тарбияси ва маънавий ривожланишида оила, мактабнинг яқин алоқаси жуда катта аҳамиятга эга. "Таълим тўғрисида"ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» да ҳам "Оила-мактаб-маҳалла" ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилган. Айниқ-

## ОЙДИН ОРЗУЛАР ОСТОНАСИ

са муҳтарам президентимизнинг "2004-2008 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бизнинг сиёсий-маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Унда ҳар бир мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, спорт заллари ва майдончалари, зарур ўқув жихозлари ва иссиқлик билан таъминлаш шартлиги кўрсатилган Ютуқлар ўзимизники, асосий мақсад муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этишдир. Алломаларимиздан бири: "Мактаб - дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир", - деган экан. Афсуски, тумандаги таълим муассасаларида текшириш ўтказилганда кўпгина мактаблар - "муқаддас иморатлар" даги ўқувчиларга яратилган шарт-шароит бугунги кун талабига жавоб бермаслиги

маълум бўлди. Масалан, 5, 44-сонли мактаблар биносининг томи шифер қилинмаганлиги сабабли ёмғир ўтиб, поллари чирган. 42, 32, 2-мактабларда дераза ойналари етишмаслиги сабабли, ўқувчилар совуқ синф хоналаридан дилдираб таълим олишаяпти. Ёки, 50-мактабда синф жиҳозлари камлиги сабабли ўқувчилар битта партада 3-4 тадан ўтиришибди. Бу ноқулай шариоатда уларнинг мукамал билим олишларига ким қафолат беради? Шу ўринда ота-оналарга айтилган бир сўзим бор: фарзандингиз давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан тўла фойдаланиши учун ўз ҳақ-хуқуқларингизни билинг ва талаб қилинг. Чунки, баркамол авлодни тарбиялаш учун оила ва мактабнинг зиммасида бир хил масъулият ва жавобгарлик бор.

**ҲУЛҚАР.**



- Ходимларимиз бутун кечагидек, эртага эса бугунгидек ишлаб, яшаб бўлмаслигини англаб етмоқдалар, чунки тизимдаги ислохотлар моҳияти доим изчилликка, ҳуқуқий маърифатга ундайди, - дейди Қизилтепа тумани ИИБ бошлигининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, подполковник Тойир Олимов. -Бугун замонавий жиҳозланган "Маърифат ва маънавият хонасининг ўзиёқ кишига бир дунё билим, маълумот бериш имконига эга. Маърифат дарсларида вилоят, туманимиз фан ва маданият вакиллари, меҳнат илгорлари, Олий Мажлис депутатлари, туман ИИБ фахрийлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари иштирок этадилар. Мухими, ҳар бир дарсада фикр эркинлигига алоҳида эътибор берилади. Бирор соат дарс тингловчига мажбурий тарзда тикиштирилмайди. Мустақиллик, хизмат интизоми, қонунчиликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг азалий кадриятлари каби мавзулар ҳар бир фуқаро билиши зарур бўлган сабақлардир.

**Суратда: Қизилтепа тумани ИИБ ходимларидан бир гуруҳи маърифат дарсида.**

**Ражаббой РАУПОВ олган сурат.**

# САЛОМАТЛИГҲИМИЗ ПОСБОНИ



бир-бир ўтмоқда, улар ҳамма вилоятларнинг туманларида мавжуд. Яқинда Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманида бўлганимда, бундан ўн беш йиллар аввалги манзаралар кўз олдидан ўтди. Ушанда туманда ҳаммаёқ пахта-ю шולי далалари... Ҳеч бир кўзга ташлангунлик иншоот йўқ эди. Бугун бу ерда энг замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётти.

## Назарингизда шунга яраша тиббий ходимларнинг савияси, малака даражаси ҳам ўзгардим?

**- Муҳтарам опа, кейинги йилларда Республикамиз тиббиётида бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишларни кўп ёритасиз. Тиббиётдаги ислохотлар қайси йўналишларда яққол кўринмоқда? Аввало тиббиётни ислох қилишдан бош мақсад нима?**

- Республикамизда Давлат аҳамиятига эга бўлган Дастур асосида амалга оширилаётган айни соҳадagi ислохотларнинг бош мақсадларидан бири-тиббиётни халққа яқинлаштириш. Айтилган, бундан беш-олти йилгина муқаддам ҳам кўпчилик, айниқса, Ватанимизнинг чекка худудлари аҳолиси ўзи яшаётган қишлоқда барча тиббий асбоблар, малакали шифокорларга эга бўлган врачлик пункти бўлишни тасаввур ҳам қилолмасди. Ҳозир эса, мана менинг кўз олдидан ўзим кўриб, фаолиятини ўрганган қишлоқ врачлик пунктлари

- 80-йилларда республикамиз собиқ иттифоқ республикалари орасида оналар ва болалар ўлими бўйича юқори қаторларни эгаллаб турарди. Бу нохуш ҳолатнинг асосий сабабларидан бири — аҳолисининг аксарияти қишлоқларда яшайдиган Ўзбекистонимизда тиббиёт даргоҳларининг асосан шаҳарларда, пойтахтда жойлашганлигида эди.

Шу ўринда Урганч шаҳар "Гулшоу" маҳалласида яшовчи Гулчеҳра момо Раҳимованинг сўзини келтирсам: - "Авваллари ҳомиладор аёлларга, ёш болаларга жуда қийин эди. Айниқса, қишлоқ жойларда кечаси аёлни тўлғоқ тутиб қолса ёки боласи бетоб бўлиб иситмаласа, яқин атрофда шифохона йўқ, марказга боришга эса машина ҳам топилармайдди. Беморлар узок марказдаги фельдшерлик пунктига чор-ночор пиёда йўл олар, қутилмаган нохуш воқеа юз бериб қолиши ҳам ҳеч гапмасди".

Ўзбекистон телевидениесида бир неча йиллардан бери Аёл, она, бола саломатлигида оид кўрсатувлар муаллифи ва бошловчиси - журналист Муҳтарам Улугова билан суҳбат.

# АВВАЛО ҲИМИЗ

Бугун эса аҳоли учун қулай жойларда қурилган қишлоқ врачлик пунктлари одамларга биринчи малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун тўлиқ имкониятларга эга. Шифокорлари, ҳамширалар пойтахтда, чет элларда мунтазам малака ва тажрибаларини ошириб келишмоқда.

## Оналар ва болалар саломатлик кўрсаткичларида бўлаётган ўзгаришлардан кўнгли тўладимиз?

- 80-90 йилларга солиштирганда республикамизда болалар ўлими 3-4 баробар камайдди. Оналар ўлими кўрсаткичи ҳам кескин камаймоқда. Лекин бу билан хотиржам бўлишга, рақамларни хотиржамлик билан эътибор этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки исми жонида умид билан тўққиз ой ҳомила кўтарган ҳар бир аёл боласини соғлом, хурсандчилик билан бағрига боссин; ҳеч бир оила хонадон офтоби - онадан айрилмасин. Шу сабабли бу борадаги ҳар бир нохуш ҳолат - умумий дардимиз, жамиятнинг муаммоси. Унинг сабабларини ўрганиш ва ижобий ҳал қилиш бугунги кунда нафақат тиббиёт ходимларининг балки маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари, мактабу олий таълим

даргоҳларининг ҳам вазифасига айланиб бораётти.

## Кузатишларингизча тиббиётда яна қандай муаммолар долзарб бўлиб қолмоқда?

- Мен яна кўрсатувлар тайёрлаш жараёнида суҳбатдошларим билдирган фикрларни келтирсам... "Бизни ҳамон қийнаётган катта муаммо шуки, - деб куйиниб сўзлайди Маргилон шаҳар болалар шифохонаси шифокори Абдурашид Абдумажидов. - Кўпчилик ота-оналар болаларини касаллик бошланиши билан эмас, анча зўриқиб, иситма чиқиб, боланинг аҳоли оғирлашганда шифокорга олиб келадилар..."

Ҳомиладор аёллар ҳақида ҳам ана шу ташвишли ҳолатни айтиш мумкин. Тошкент вилояти Бўка тумани туғруқ комплексининг ҳомиладорлар экстраенитал касалликларини даволаш бўлимида ётган аёлларнинг айримлари билан суҳбатлашдик:

- Менинг ҳомилам ўн икки ҳафталик бўлганда шифокорлар ётиб даволанишим кераклигини айтишганди. Мен буни қилмадим. Мана энди ҳомилам етти ойлик бўлганда шифохонага ётишга мажбур бўлдим, чунки оёқларим шишиб, қон босимим ортиб кетди.

- Менинг буйрагимда шамоллаш бор эди, ҳомиладорлик туфайли дард кучайди, ётиб даволанишга мажбур бўлдим.

- Мен аввалги ҳомиладани ҳам асоратлар билан кечиргандим. Шифокорлар икки-уч йил соғломлашиб, кейин ҳомиладор бўлишни маслаҳат беришганди, лекин... кечагина

бу ерга ҳомила тушиш хавфи билан олиб келишди, ҳозир яхшиман...

Тошкент шаҳар 14-болалар жарроҳлиги шифохонасида бўлган пайтимизда профессор Насриддин Эргашев ҳам айрим ота-оналарнинг қоқайдлик ёки касални вақтида шифокорга кўрсатмаслик оқибатида келиб чиқаётган оғир асоратлар оз эмаслиги ҳақида гапирдилар.

- Бизга келиб тушаётган беморларнинг 80-85 фоизини шошилиқ тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолган болалар ташкил қилади, - деди Навоий вилоят марказий болалар шифохонаси бош шифокори Низом Сиддиқов.

## Демак, одамлар орасида касалликни ўз вақтида даволатишнинг аҳамиятини кенгроқ, кўпроқ тушунтириш керак.

- Албатта. Лекин бу иш ҳам аллақачон бошлаб юборилган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 242-қарорига биноан оилада, аҳоли орасида тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб ва тадбиқ этиш бўйича ҳамма туманларда тиббиёт ходимлари, маҳалла ва хотин-қизлар фаоллари, ёшлар ташкилотлари ҳамкорликда тадбир тузиб ишламоқдалар. Фақат шу ишларнинг янада самаралироқ, янада таъсирчан йўллари излаб-ёриш керак. Шунинг учун ҳам аҳоли тиббий маданиятини, онгини юксалтириш бугун оммавий ахборот воситаларининг ҳам асосий вазифаларидан бири. Чунки саломатлик, бардамлик дори-дармонлардан эмас, ҳар биримизнинг ўзимиз ва фарзандларимиз, кексалар соғлиғига ҳамғўрлигимиздан бошланади.

ЎЗЖТУ талабаси Гулгун СУЛТОНОВА суҳбатлашди.

# АЁЛ СЕРГАК БЎЛСА...

Президентимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлари кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу асосдаги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан хотин-қизлар кўмиталари қизгин фаолият кўрсатмоқдалар. Жумладан, маҳаллаларда диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар сайланмоқда. Тошкент шаҳар Бектемир тумани хотин-қизлар кўмитасида бу борада қандай ишлар қилинмоқда?

## Кундуз Сайдалиева - туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси:

- Бу вазифага 24 нафар номзод орасидан обрў-эътиборга эга бўлган, ҳамма танийдиган, халқни ўз ортидан эргаштира оладиган 12 нафар билимли аёлларни танлаб олдик. Улар учун ҳокимият биносида алоҳида хона ажратиб, ўқиб ташкил этдик, ишни нимадан ва қандай бошлашлари ҳақида йўналиш бердик, иш режасини тузиб чиқдик. Ҳозир ана шу режа асосида ишляяпти. Натияжаларни ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

**Турсуно Йўлчиева - "Обод" маҳалласи диний-маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи:**  
- Ҳадисларда: "...Аёлларни ҳурмат қилинган, чунки улар би-

рингиз учун она, бирингиз учун рафиқа, улар сизга бегона эмас", - дейилган. Динимиз ҳамиша аёлларни ҳимоя қилади. Фақат бизда ёш аёлларга, оналарга эътибор етишмайди. Агар биз аёллар тақдирига бефарқ бўлмасак, ҳеч бўлмаса икки оғиз ширин сўз билан уларнинг кўнглиларини кўтариб турсак, аёллар ўртасида оиласидан бош олиб чиқиб кетиш, ёмон йўлларга кириб кетиш ҳоллари юз бермаган бўларди.

## Диёра Норбоева - "Роҳат" маҳалласи диний-маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи:

- Маҳалламизда бўлиб турадиган тўй-тўйчиқ, маъракаларга борганимизда аёлларни қузатаман. Аёлнинг гулгун очилиб, хуш-хандон юриши уни яхши одамлар орасида яшаётганидан дарак беради. Буни ҳаётий тажрибаларим ҳам исботлаб келмоқда. Аёл нимадандир ҳадиксираб, чўчиб, одамлардан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилаётгани, демак унинг ҳаётида қандайдир салбий ўзгаришлар содир бўляпти. Ё оиласида кимдир тазйиқ ўтказаяпти, ё қандайдир оқимларга аралашиб қолган. Ана шу билиб-билмай "аралашиб" қолиш нафақат аёлнинг ўзини, балки унинг фарзандлари ҳаётини ҳам чилларчин қилади. Шунинг учун аёл ҳамиша сергак ва масъулиятли бўлиши керак.  
**Нигора Йўлдошева**  
ёзиб олди..

# ЙИГИМ-ТЕРИМ-ДАН СЎНГ...

Наманган вилояти, Косонсой тумани, "Ёшлик" қишлоқ фуқаролар йиғини, Тағижар қишлоғида яшовчи Махмуджон Исроилонинг "Оила ва жамият"га йўллаган шикоят аризаси тегишли мутахассислар жалб қилинган ҳолда атрофликка ўрганиб чиқилди.

## «Оила ва жамият»га жавоб келди

Аризачи ўзининг мурожаатида "Ёшлик" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидан деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраган. Унинг оилавий аҳоли ўрганиб чиқилганда ҳақиқатан ҳам томорқа ер участкасига муҳтож эканлиги аниқланди.

Аризачи талаб қилётган ер майдони ҳозирдаги кунда қишлоқ хўжалиги экинлари билан банд бўлиб, йигим-теримдан сўнг ажратилиб берилади.

Вилоят ҳокимлиги ушбу шикоят ариза бажарилишини ўз назоратига олади.  
**А.ФОЗИЛОВ,**  
Наманган вилоят ҳокими ўринбосари.

# ҚАМЧИЛИКЛАР ҚИСМАН ТАСДИФИНИ ТОПДИ

3.Ибрагимованин "Оила ва жамият" газетасида чоп этилган аризи ҳоли "Бўз-сув" қишлоқ фуқаролар йиғини котиби А.Сарибоев, "Янги ҳаёт" маҳалла раиси Э.Юсулбеков ҳамда маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси О.Сулаймоновлар билан биргаликда жойига чиқиб, ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, ҳақда кўрсатилган камчиликлар қисман ўз тасдиғини топди. Лекин ҳозирги вақтда аҳолини табиий газ билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган ва "Чорвачилик" насос станциясига янги насос ускунаси ўрнатилиб, ичимлик суви мунтазам равишда етказиб қилинмоқда.

"Янги ҳаёт" маҳалласида кейинги уч ой давомида электр энергияси юқори кучлилиши тармоқларини таъмирланиши муносабати билан икки мартаба ўчирилган. М.Улугбек кўчасини электр энергия билан таъминловчи 6 КВ ли мактаб фидери, 271-сонли ТП ва 0,4 КВ ли ХЛ лари М.Улугбек номили ширкат хўжалиги балансида бўлиб, "Тошкент электр тармоқлари" филиали томонидан зарур пайтда техник ёрдам кўрсатилмоқда.

"Янги ҳаёт" маҳалласи худудида "Тошкент-Телеком" фили-

## "Эътиборингизга муҳтожмиз" - 37-сон

али алоқа тармоғи мавжуд эмас. Ушбу худудни телефон алоқаси билан таъминлаш учун энг яқин алоқа тармоғида бўлаб 2,5 км масофада янги алоқа иншоотларини қуриш зарурлиги аниқланди. Ҳозирги кунда вилоят худудидаги фақат шаҳар ва туман марказларидаги мавжуд телефон станцияларини янги ракамли телефон станцияларига алмаштириш, янги техник воситаларни харид қилиш ҳамда ўзлаштириш бўйича катта қурилиш-монтаж ишлари бошланган бўлиб, барча имкониятлар ушбу йўналишга сафарбар этилган. Ушбу худудни телефонлаштириш масаласи "Телефонлаштирилмаган аҳоли пунктларини телефон алоқаси билан таъминлаш режаси"га киритилган.

Худуддаги қўп қаватли уйларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида вилоят "Ягона буюртмаси хизмати инжиниринг" компанияси томонидан қозонхона қурилиши бошланиб, ҳозирги кунда қурилмишлари 80 фоизга бажарилган. Қозонхона қурилишини туғатиш учун қўшимча маблағ ажратиш чоралари кўрилмоқда.  
**Ш.ҚОСИМОВ,**  
Тошкент вилоят ҳокими ўринбосари.

# ЖУДА КЎП ЭСЛАЙМИЗ,



## СОҒИНАМИЗ

сизлар", - дердилар. Бу билан авлодларимиз ким бўлганини, нима ишлар қилганини ёддан чиқармасликка ундардилар.

Дадам: "Оила - бу муқаддас кичик жамият", - деб қарардилар. Қаерда бўлсак ҳам, байрамларда - айниқса янги йилда барча-барчамиз тўпланиб келиб, бирга оила даврасида кутишимизни хоҳлардилар. Қариндошларимизни доимо янги йил киришидан олдин совга-саломлар билан табриклар келишни катта қилмасдилар. Бизни - ўғилу қизларни, келину куёвлар, набираларни йигиб, тез-тез Баховуддин Нақшбандий, Абдуҳолик Ғиждувонийнинг қадамжоларига олиб борардилар. Мен тақдир тақозоси билан Самарқандда яшаганим учун, раҳбар одам ишлари кўп бўлишига қарамай, мenden тез-тез хабар олиб турар, Самарқандга ҳар келганларида Шохизинда, Ғури амрини зиёрат қилиб кетардилар. Уша 2001 йил ўлимларидан олдин Наврўз байрамини Самарқандда ўтказдилар. Янги барпо этилган Мотрудий қадамжосини бориб кўрдилар. Челақдаги Исмомил ал-Бухорий макбарасини зиёрат қилдилар. Биз фарзандларнинг ва ҳаттоки келин-куёв, набираларнинг туғилган кунлари дадамизнинг ёдларидан чиқмас эди. Биролмаган пайтлари телефон орқали қўлаб кўрдилар. Ҳар бир набиралари туғилганда шунақа қувонганларки, уларга доимо улғу одамларнинг номларини қўйишни, бу билан набиралар халқ хурматида сазовор инсонлар бўлиб етишини хоҳлардилар. Ўғил набираларни жуда яхши кўрардилар, лекин қизлар учун жонларини беришга тайёр эдилар. Гулларни ва тозаликни яхши кўрарди-

лар. Хонандалардан Ортик Отажоновни ҳурмат қилардилар, рақосалардан Феруза Солиқова, Рўшана Султоновани мазза қилиб томоша қилардилар. Шунинг учун шу санъаткорлар телевизор орқали чикса дадамиз эслаб кўямиз. Президентимизни қаттиқ ҳурмат қилар, у кишининг телевизордаги ҳар бир чиқишини охиригача кузатар, доимо соғлиқ, узоқ умр тилаб ўтирар, "Бундай одамлар юз йилда бир келади", - дер эдилар. Дадажонимни ибрат бўлгучи яна бир одатлари "Нонни исроф қилманглар", - дердилар. Қолиб кетган қотган нонни молга беришга қўямасдилар. 30 йил умрида касал бўлмай ишлаган одам 1998 йил юрак касаллигига чалиниб, 3 йил уйда ўтириб қолдилар. Шунда ҳовлимиз ва унинг атрофини ҳар хил мевали дарахтлар билан боғга айлантирдилар. Ҳозир бу боғдаги бодом, олма, ўрик, беҳи, турли хил узумлар мева бераяпти. Биз дадамизнинг кўллари билан бунёд бўлган боғ меваларини ҳар гал болаларимизга берамиз, улар ҳам бобом эккан, деб фахрланиб қўйишадди. Ғиждувонга ҳар бодаминда ўғилларим билан дадамнинг қадрларига борсак, болаларим худдики тирик бобоси билан гаплашгандек у кишининг гапларини гапирганда юракларим эзилди кетади. Наҳотки эндигина 58 ёшни қарши олган, набиралари камолини кўрмоқчи бўлган, шунча яхши ишлар қилиб бу дунёдан эрта кетган дадам қайтиб келмасалар. Ҳозир онаизорим яшаётган ҳовлимиз-

ни 1997 йил қурган эдилар. Ушанда бу кўча янги кўча бўлиб, бор-йўғи 10 хўжалик яшар, ҳамма оилалар ёш эди. Кўчамизда электр токи, газ йўқ эди. Дадам бу муаммоларни ёлғиз ўзлари ҳал қилганлар. Ҳаттоки колхоз раисидан илтимос қилиб, янги йўл ҳам ташкил этганлар. Жиянларим бу йўлни "бобом қурган" деб юришади. Дадам ишласан уйда ўтириб қолганларида асосий умрлари касалхоналарда ўтди. Шунда қийналиб қолган пайтлари ҳам, қўшиллардан бир пайтлар қилган яхшиликларини жавобини қайтаришни - яъни, газ учун, трубалар учун кетган пулини сўрашга рози бўлмаганлар. "Савоб иш қилсанг миннат қилма, улларнинг оиласи янги", - дердилар бизга. Бу ҳам бир саховат эмасму? Бу нарсалар кичик кўринса-да, биз учун бир ибрат, мактаб эди. Инсонлардаги оддийликни, ростўйлик ва меҳнат-севарлик, оилапарварликни ҳурмат қилардилар. Дадамиз гийбатни жуда ёмон кўрардилар. Агар биз — опа-сингиллар кўп гаплашиб қолсак, "Гийбат қилгунча тур, ҳамманг болангга қара", - дердилар. "Қиз бола овозини баланд қилиб гапирмаслиги, кўп кулмаслиги керак", - дердилар. Бизни яхши кўришларини сўзларидан кўра кўпроқ кўзлари айтиб турарди. Дадамизни жуда кўп соғинамиз, вафот этиб кетганларига ҳали ҳам ишонмаймиз, худдики узоқ сафарга кетганлар-у, албатта қачондир келадилар. Укаларимга осон, улар онамга яқин туришади. Менга қийин, Самарқанд-



## САБОҚЛАРИМ

да яшайман. Дадам тирикликларидан мен она юртдан узоқда яшашимни сезмаган эдим. Чунки мenden тез-тез хабар олиб турар эдилар. Энди ҳамма нарсаси ўзгарди. Акам, укаларим дадамнинг обрўларини сақлаш учун тиним билмай меҳнат қилишади. Мен эса боламнинг ҳар бир сўзидан, қилигидан, юз тузилишидан дадамга хос белгиларни қидириб топиб шунга кўниб яшайман. Менга дадам доимо: "Эрингни ҳурмат қил", - деб таъкидлардилар. Кўп гапирмасдилар. Агар телефон қилсалар: "Соғлигинг яхшими, болаларинг соғми, эрингинг иши яхшими, эҳтиёт бўлинглар", - дердилар. Бу гапларда маъно катта эди. Хўжалик бошлиғи сифатида коллективнинг ҳар бир аъзоси учун куйинардилар. Наврўз, янги йил байраминда, албатта коллектив аъзолари учун базмлар уюштирар, эл таниган хонандаларни чақиртирар, ажойиб тантаналар уюштирар эдилар. Нафақага кетаётган ишчилар учун хайрлашув кечалари ўтказар эдилар. Булар ҳаммаси уйимизда видео тасмаларда сақланган. Хўжалик йўл бўйида жойлашган бўлиб, дадажонимизнинг саъйи ҳаракатлари билан теракарт экилган эди. Бу новдалар 3 йил ичида дарахтга айланди. Йўл бўйида узоқ йўлга қатновчи йўловчилар учун дўкон, ошхона ва меҳмонхона курдиргандилар. Шу жойдан ўтганимизда: "Дадам курдирган дўкон ошхоналари булар", - деб эслаб ўтагимиз. Мен бу мактубни кўзда ёш, юракда оғриқ билан ёзаяман. Чунки мени шифокорликка ўқитдилар-у, кези келганда ўзларига ёрдам беролмадим. Дадам ўз кўлимда жон бердилар. Врач бўла туриб дадамнинг ҳаётларини сақлаб қололмаганим энг катта армоним...

Ажойиб инсон, меҳрибон отанинг қизи -  
**Насиба РЎЗИЕВА**

- Сизга отамнинг армони ҳақида гапириб беришга келдим, - дейди Фориш туманидаги "Кўҳна бозор" қишлоғи Икром ака. "Жиззах кўзғолони" вақтида бизнинг Фориш кўзғолоннинг марказида бўлган экан. Оқ пошшо томонидан кўзғолон бостирилган, жазо отрядлари томонидан жазо берилди бошлабди: асосий етакчиларини дорга осган, Сибирга сургун қилган, ниҳоят кўпчилик қисмини отиб ташлаган. Кейинги пайтларда отам бу воқеаларни жуда кўп хотирларди: Жазо отряди биз-куч-қуввати бор ёш явлангни йиғиб, ҳозирги "Кўҳна бозор" қишлоғи атрофидаги ялангидан узун қилиб чўқур қовлаттирди, кейин кўзғолонда иштирок этганларни, кўзғолончиларга ёрдам берганларни ана шу чўқурга тушириб, тик турғизишди. Чўқурлик беллари баробар келарди. Кейин бирма-бир ота бошлашди. Оломон орасидаги болалари чидойломли "Отанон", деб югуриб келаётганларни ҳам, хотин-халажларни ҳам шартта отиб ташлайверишди. Одам бир-ўқ билан дарров ўлиб қолавермайди-ку, чўқур ичида қонга беланиб йиқилиб ётган одамлар - бариси ҳам

## ОТАМНИНГ АРМОНИ

қишлоқларимиз, қариндошларимиз менга ёлворгудай қарашади: Баҳромбой... мени кўммай тур, ука... жиян... менга сув бер... сув... Қаёқда? Шафқат қаёқда дейсан?! Қайтанга бояги отиб ташланган болачалар билан хотин-халажларни ҳам чўқурга тепиб-тепиб тушириб, бизларни кўмишга мажбур қиларди. Хали кўзи тирик одамлар, айниқса ҳамқишлоқларнинг, қариндошларнинг устига тупроқ ташлаш!..  
Отам шуларни гапирарди, бирдан туюқиб кетарди: - Ўй... болаларим-а! Юрибсанлар-да ҳамманг, йиқилсанг нонга сурилиб. Бу юрт, бу тупроқ, бу хуррият кунларига етгунча не-не суронларни бошидан кечирмаган. Урушдан кейинги очарчилик йилларида момонинг бир ҳовч асл маржонига бир пақир зөгора урни зўрға алмаштириб еганми?! Билдингми?!  
Шундай дердию яна бирдан маънос бўлиб



қоларди: - Лекин, болам, манави еримда бир афсус, армоним бор-да. Энди ўғримдан гўрим яқинлашаётгани учунми, уша мен тириклайин кўмган ҳамқишлоқларимнинг юзлари, кўзлари, илтижоли овозлари қулғонидан кетмай қолди...  
- Сизниям кўмишга мажбурланган-ку, ота?  
- Рост, мажбурлашган, мажбурлаган. Лаянатилар ўйлаб топган ваҳшийликни қарангил, болам... Лекин кўнутаётгани сайин ўзимни кўпроқ айбдор санаяман. Кўзим очиклигида узар сўраб, тавба қилмай десам, энди уларнинг яқинларим дунёдан ўтиб кетиши...  
Бу надоматли ҳикоятни кўпроқ мен

эшитганим учунми, отам дунёдан ўтгач ҳам тез-тез тушларимга қирарди. Уша "Шахидтепа" атрофида айланиб юрган ҳолда кўрардим.  
Охири бўлмади. Бир кун отамга деб маърака қилдим-да, чоллар ўтирган қурга келиб, отамнинг шундай дарди, изтиробли армони бор эди. Яхшилар, энди сизлар шунга нима дейсизлар, мен қандай қилсам яхши бўлади, дея маслаҳат сўрадим.  
Курдаги одамлар ерга қараб, анчагача жим бўлиб қолишди. Қай бирлари қайси яқинларини эслади, билмадим. Кейин, отамнинг гуноҳи йўқ эди, ука. Ушанда замоналар шундай оғир эди-да, худо ҳаммаларига ҳам у дунёдан берсин, деб қўйишди.  
- Айтиб яхши қилган эканман-да. Бугун айна сахар маҳали отамни туш кўрибман. Қўлларидан тасбеҳ, жилмайиб турибди! Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди.  
"Кўҳна бозор! Фаҳми идроки осмон қадар баланд бундай фарзандларингиз хавасим орди! Мана бугун барча гарду губорларинг истиффор-ла ювилиб, ибодат-ла ниятингдек пок бўлдинг."  
**Саъдина БОБОМУРОДОВА,**  
**Жиззах шахри.**

Бир куни юмуш билан кетаётди, қишлоқдошим Малика билан йўлимиз бир бўлиб қолди. Юраги тўлиб турган эканми, менга дардларини тўкиб-сочгиси келди...

- Мактабни битирган, олийгоҳда ўқишни хоҳлагандим. Мен олдиндан ўқийман деб юрганам учун отам ҳам ўқитаман дерди. Лекин ўқишга боришимга оз вақт қолганда, негадир рўйхушлик бермадилар. Сабабини кейин билдим. Мени унаштиришмоқчи эканлар. Нахотки?! Мендан бир оғиз сўраб-нетиб ўтирмай, унаштирмоқчи... Ҳатто онам ҳам бирон нима демабди-я...

Отанинг вафот этиб кетган акаси-амакимнинг ўғли Раҳмонали ҳақида аввалдан эшитиб келардим. Мени унга менгашарди. Менинг бу гапларга аввал парвоим келмас, аммо кейин жудаям жаҳлим чиқадиган бўлиб қолди. Унга сираям кўнглим йўқ эди. Мени бутун орзу-умидларимдан махрум қилиб, турмушнинг икир-чикир ташвишларини ваъда қилаётган бундай тақдирдан сираям рози эмасдим.

Хуллас, отам мени ўша Раҳмоналига фотиҳа қилмоқчи эди. Кўнглим вайрон бўлиб, турфа синовлари-ю, йўллари бор ҳаётнинг биринчи зарбасига учраётганлигимни сезардим. Мен қанчалик қаршилик қилмайин, барибир тўй бўладиган бўлди.

Нега энди отам менга шунча пайт умид бериб келдилар? Мендан олдин бир акам, бир укам, уч синглим бор. Катта қизлари бўлганим учун менинг ўз йўлимни топишимга имкон берадилар, деб ўйлагандим. Турмуш - ҳар бир қизнинг бошида бор-ку дерсиз? Лекин мен ҳали гўр эдим, катта бир рўзгорнинг келини бўлишга, хотин бўлишга ҳали эрта деб ўйлардим. Бунга тийёр ҳам эмасдим ахир. Энг ёмони эса кўнглим сўймайдиган инсон билан яшаш... Раҳмоналига хотин бўлишни тасаввур қилолмайман.

Тўй куни менга никоҳ либосининг энг чиройлисини обкелиб беришди. Ўша пайтдаги энг зўр ашулчи гуруҳлар тўйда хизмат қилишди. "Ер-ёр" садолари остида мени ота уйимдан олиб чиқиб кетаётганларида йилганларимни эслайман. Бу одатда ҳамма қизлар ҳам никоҳ тўйида тўкадиган кўз ёшлар эмасди. Бу менинг барча орзу-умидларимга хотима эсалиб, қалбим гавҳари сўна бошлаганидан ўқиниб тўкилган ёшлар эди.

Ота-онам, ҳамма хурсанд. Улар ўз бурчларини бажарганликларидан, гўёки мен мана шу дабдаба-ю, ялтир-юл-

тир матоҳларни кўриб, ҳаммасига кўниб кетишимга умид қилишарди. Тўй кечаси мен аллақандай ҳиссиз бўлиб ўтирдим. Ёнимдаги кўёвга қарагим келмасди.

Тўйнинг эртасига ҳамма расм-русумлар бажарилиб, яқинларим менга бахт тилаб, уйларига кетишди. Кичкина синглимни ўзим билан олиб қолдим. Ўзимни бегона оламда юргандай ҳис қилардим.

Бу ерда ҳамма нарса кўзимга балодай кўринар, қўлим ишга бормасди. Аламзада эдим. Айниқса, Раҳмонали билан яқинлашишни хоҳламасдим. Уни бир-икки марта жеркиб ташлаганим рост. Раҳ-

дедим. Шу пайт юзимга тушган тарсақидан эсанқираб қолдим. Тоғаси менга қўл кўтарганди.

"Битта ... қизни хотин қилолмаган бўлсанг, қандай эркаксан ўзи?" - деди у жиянига. Энди Раҳмоналининг ҳам важоҳати ўзгариб, бир пайт мени ура кетди. У сочларимдан аёвсиз бураб, юз-кўзимга муштларди. Мен эса оғриқдан йиғлар ва ҳалиям нима бўлаётганини тушунолмай гаранг эдим.

Ниҳоят, онаси билан тоғаси уни ажратиб олиб чиқиб кетишди. Устимдан эшикни қулфладилар.

Шу вақтгача бировдан бундай калтак емаган, бунчалар хўрланмагандим. Айниқса эркак киши томонидан бир на-вниҳол, ожиза қизга шундай муносабатда бўлишни ўйлаб кўрин?

Бошим ғувиллаб, аъзои-баданим зирқираб оғрир, йиғлай-йиғлай кўзларимда ёш қолмаганди. Нима қилиб бўлсам бу ердан ҳозирок кетишни ўйладим. Кечаси бир амаллаб қочиб чиқдим-да, бир аҳволда ўз уйимга кириб бордим. Мени кўриб, уйдагиларнинг тили калмага келмай қолди.

Эртаси куни ҳаммасини айтиб бердим ва ўлсам ўламан, аммо қайтиб бормаيمان, дедим. Ҳаммасидан аламлиси мени аёвсиз калтаклашганини уйимдагилар ҳечам ҳазм қилишолмади. Шундан кейин қанча жанжаллар, қанча гавғолар бўлиб ўтмади дейсиз...

Улар менинг келинлик сарполаримни кўчуга улқотиришди. Энг ёмони эса, ўша лаънатилар (уларнинг номини ям тилга олгим келмайди) одамлар бунга изоҳ сўрашса, мени... боқира чикмади... деб гап тарқатишди. Қишлоқда мени аллақачон ёмонотлиққа чиқариб қўйишганди.

Хуллас, ажрашиб, улар билан юз кўришмас бўлиб кетдик. Мен эса "Эр кўрган"га чикдим. Ҳаётдан умидим сўнганди. Сиқилиб, анча вақт ётиб қолдим.

Отам кўпичина менига бир сўз демасди. Ота-онам ичдан изтириб чекаётганларини сезиб турардим. Биламан, менга ёмонлики тилашмаган. Отам вафот этган акасининг хотираси учун ўғлига оталик қилмоқчи, икки ўртадаги қариндошлик алоқаларини мустаҳкамламоқчи эди. Аммо менинг, ўз фарзандининг кўнглига заррача қарамадилар. Кейинчалик кўниб кетди деб ўйланганлар. Эҳтимол...

Агар амакимнинг оиласи мени тушуниб, вазиятни тўғри ҳал қилганларида, ўша кечадаги хўрликлар бўлмаган-

# ТОЛЕМ КУЛМАТГАН

Мактубларингиздан бири



монали билан тўйдан олдин ҳам, кейин ҳам ҳеч қачон яккама-якка гаплашмаганман. Бироз бад-фешълигини билардим. Уч кундан бери синглим билан ухлардим.

Амаким вафот этгандан сўнг, бу оилада Раҳмоналининг бадфешъ ва баджаҳл тоғасининг таъсири катта эди. У ўзини худди оила бошлиғидай тутар, жиянларига васийлик қиларди. Ўша тоғаси менинг жиянига қилаётган муомаламдан хабар топиб, Раҳмоналини роса уришди.

Менинг қайсарлигим ҳаммининг газабини кўзитганди. Тоғаси менга қаттиқ ва ҳақоратли гапларни айтиб ташладди. Менинг ҳам шу пайтгача юрагимда йиғилиб юрган нафрат, аламларим тилимга ўт бўлиб чикди: - "Бу уйда бир дақиқа ҳам яшашни истамайман. Билдингизми?" - дедим тоғасига. Раҳмоналига эса: - "Сени кўргани кўзим йўқ. Кетаман!" -

# КИЗ

## НИҲЯТГА ҚАРАБ - АМАЛ

Тахририятимизга қўлтиқтаёқли бир йигит кириб келди. У омонатгина ўтириб, қўлтиқ-таёқларини деворга суяб қўйди.

- Ёшим 32 да. Ҳали уйланиганим йўқ. Аҳволимни кўриб турибсиз. Мен ҳам бахтимни излаб эълон берсаммикан, деган ниятда келгандим, - деди у қаддини ростлаган бўлиб.

- Жуда яхши қарорга келибсиз, - дедим. Унинг нима учун ногирон бўлиб қолганини сўраш фикри хаёлимга келди-ю, кўнглига озор етказгим келмади.

- Нима иш қиласиз?  
- Пойафзалларни таъмирлайман.

- Айтишларича, тушум ёмон бўлмас эмиш-а?  
- Насибага яраша-да. Шукр, рўзгор тебратилсага етди.

- Бу ерга келганингиздан онангизнинг хабари борми?  
- Йўқ. Лекин онам қарши

бўлмайди, деб ўйлайман. Чунки рўзгор ташвишларидан анча чарчаб қолдилар. Мени ишга кузатаётиб, кечқурун кутиб олаётганларида кўзларида алланечук ғам изларини кўраман. Онамнинг ҳар бир тола сочига оқ тушишида менинг ҳам ҳиссам бор деб ўйлайман. Ногирон боланинг юзига, кўзига қарашнинг ўзи бўладими, ака... - Бехитиёр йигитнинг овози титраб, кўзларига билинар-билинимас ёш қуюлиб келди. Буни мендан яшириш учун ерга қаради.

Мен ўзимни пайкамаганга олиб: "Ҳозир ука, бир дақиқага" деб ташқарига чиққан бўлдим. Ишим бўлмаса-да, қўшни хонага ўтиб, тезда қайтдим. Бу қисқа муддатда йигит ўзини қўлга олиб, мени келишимни кутиб турган экан. Қўлтиқ-таёққа яна кўзим тушиб, қишлоқдаги кўшнимиз кўз ўнгимда гавдаланиб кетди. Гапни шундан бошладим.

- Биласизми ука, бизнинг қишлоқда Шерали бобо деган одам бор. У киши Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони. Шерали бобо ўн саккиз ёшида урушга кетган. Тўрт йил жанг қилиб, бешинчи йили бир оёғига асколка тегиб, тиззадан юқори қисмидан кесиб ташланган. Ўз оёғи билан жанга кетган йигит, қишлоққа қўлтиқтаёқда кириб келади. Ота-онаси, қариндош-уруғи қанчалик куюнамасин, шунга ҳам шукр қилишади. Қишлоғимиздан қайтмаганлар қанча. Ўша пайтда кўшнимизнинг Зайпин исми 17 ёшли дуркун қизи бўлган Шерали аканинг кемтик қалбига малҳам бўлиш учун қишлоқ оқсоқоли ва катта ёшли кишилари гапни бир жойга қўйиб, Ҳалим бобоникига совчиликка келишади. Қиз: "Ихтиёрим ота-онамда", - дейди. Шундай қилиб, икки ёшнинг бошини қовуштириб қўйишади. Ҳозир бобонинг ёши саксонга яқинлашиб қолган. Етти қиз, икки ўғли, на-биралару, эваралари бор.

Шерали бобо бир умр Ургут туманидаги 14-ўрта мактабда

бошланғич синфларга дарс берган. Ҳозирда қариллик гаштини Зайпин момо билан биргаликда, фарзандлар даврасида ўтказишмоқда. Тўрт мучаси соғ, ҳар жиҳатдан тўқис одамнинг ҳам юрагида бир ўқинчи бўлади. Сираям ногиронман деб ўқинманг. Оила қуришга, фарзандлар ўстириб элга қўшишга талпинаяписизми, демак "Ниятга қараб амал", деган гап бор, - дедим унга.

Унинг талаб ва истакларини сўраганимда: "Мен ҳеч қандай талаб қўймайман. Ногиронлигимни юзимга солмайди-ган. Онамни хўрмам қилиб, укамни ўз жигаридай кўрадиган қиз бўлса бас. У оиламизга шодлик олиб келишини жуда-жуда хоҳлайман", - деди. Унинг бахти албатта очилишини таъкидладим. Йигит хуш кайфиятда хайрлашиб чиқиб кетди.

Айрим сабабларга кўра унинг исму шарифини, манзилини чоп этмадик. Йигит билан тақдирини боғлаш истаги туғилган шахслар бизга мурожаат этишлари мумкин. Яна бир гап. Биз газетдада чоп этган эълонлари-

да, эҳтимол мен ўша оилада қолган бўлардим. Аммо мени ҳеч ким тушунишни истамади...

Шундан сўнг анча вақт ўтди. Эҳ, одамларнинг гап-сўзлари, нигоҳлари... Бу жуда оғир эди, тушунаяписизми... Ҳар қадамимни эгриликка йўйишарди. Ҳатто синфдош йигитлар ҳам тўй-ҳашамда кўришиб қолсақ илмоқли гаплар қиладиган бўлишди. Ўша пайт қанчалар хўрлигим келиб, қулмаган толеимдан зор-зор йиғлагим келарди...

Мана, йигирма бешгаям кирдим. Ҳозир ким билан гаплашсам турмушга чиқиб кетишим, синглиларимни ҳам ўйлашим кераклигини маслаҳат беради. Мен ҳам бўйи етиб келаётган уч синглимнинг бахтига тўсиқ бўлишга ҳаққим йўқлигини тушунаман.

Бир вақтлардагидек ўқишга, ишлашга муҳаббатим ҳалиям сўнмаган. Аммо қаерга қарамай, чорасизман...

Малика билан бўлган ушбу суҳбатдан сўнг анчагача ўйланиб юрдим. Маликага ачиндим. Бошига тушган бу кўргуликларга, уч синглисининг бахтига гўв бўлиб қолаётганига унинг ўзи сабабчи эмасмикан? Ота-она фарзандини узатиб ёки уйлантириб ўз елкаларидаги қарзини узати. Малика Раҳмоналини отасининг ўрнига бош бўлиб қолган, рўзгордаги барча оғирлики тортадиган йигит, деб сифатлабди. Агар Малика озроққина сабрбардош қилганида, асабларга, тилига эрк бермаганида, балки улар тинчгина оила бешигини тебратиб, яшаб кетишармики... Халқимизда: "Чикқан қиз чигирикдан ташқари", - деган гап бор. Тўйдан сўнг уч кун туриб, отасиникига қайтиб бориш... Энди у минг бора ўз боқиралигини исботласа ҳам ҳеч ким ишонмайди. Маликахон, нима бўлганда ҳам улар сизга яхшиликни раво кўришганди. Уч кундан сўнг уйига қайтиб келган қиз ҳақида, одамлар турли хаёлга боришларини ўзингиз ҳам тушунасиз керак. Ахир ўзбек қизлари ўзларининг ибоси-ю ҳаёси, одоби билан ажралиб турлишани унутдингизми? "Чумчуқнинг ҳам уйи бузилмасин", дейилган гап бекорга айтилмаган-ку! Нима бўлса-да, энди адашманг.

Дилдора ТҲУТАШЕВА,  
Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Улаш Туропов ж/х, Ғўрин қишлоғи.



миз бўйича "Менга фалончининг манзилини ёзиб жўнатиш" қабиллидаги хатлар келади. Лекин биз эслатиб ўтганимиздек, паспорт нусхаларини хатга солиб жўнатишмайди. Шу боис ўша хатларга сўралган манзил жўнатишмайди. Ахир биз таништираётган шахсимиз ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишимиз керак. Азиз мухлис, бахтингиз очилишини истасангиз, албатта паспорт нусхасини жўнатишини унутманг.

Тоҳир НОРИМОВ

# ПУЛ

**Кизим Гулчехра!** Турмуш ўртоғингиз оғир босиқ йигит экан, ўрталарингизда 2 та фарзанд бор. Онангиз сизни ўз уйига олиб кетиб хато қилган. Қанча камбағалчилик бўлса ҳам қаноат қилиб яшаб келган экансизлар. Турмуш оғир, чидаш керак. Инсон касал ҳам бўлади, тузаладиям бу нарса худодан. Эрингиз билан бирга меҳнат қилиб иморат қурибсизлар, у қурилган иморатнинг роҳатини кўриб, бола-чақаларингиз билан бирга яшасаларингиз қандай яхши бўларди. Эракни сарсон қилиб, уни ёлғиз қолдириб қўйишингиз катта гуноҳ. Онангизга берадиган маслаҳатим: Хурматли онахон! Тўғри, ҳар кимнинг фарзанди ўзига азиз. Кўра билла туриб, қизингизни рози бўлиб камбағал бир йигитга уза тибсиз. Энди улар қандай яшасаларди, сиз аралашмасангиз яхши бўлар-



ди. Куёвингизни камситиб, уни оиласини кўришга келганида оғир сузлар билан дилини оғритишингиз яхши эмас. Неवारаларингизни тирик етим қилиб қўйманг. Қизингизга ўз оиласига қайтишга руҳсат беринг. Бечора куёвингизни бу қадар оёқ ости қилиб камситманг. Ҳалиям у чидамли йигит экан.

Сизга ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб берай. Бир танишимиз бор эди. Исми Каримжон эди. У уйланди. Хотинини жуда ҳурмат қилар, ишдан келса хотинига уй ишларида қарашарди. У етимликда катта бўлиб, турмуш оғирликларини кўргани учун ҳаётни яхши тушinarди. Эр-хотин, аҳил яшашарди, битта қиз фарзанд кўришганди. Лекин Холидани онаси келиб, куё-

**Синглим Гулчехра!** Сиз оилангизни асло бузманг. Икки норасида гўдагингизни ота меҳридан айирманг. Куёвни пайгамбарлар ҳам сийлаган. Онангиз ҳам сизни тўғри тушунсинлар. Дард берган худойим шифосини ҳам берсин. Эрингиз хотинини касалманд деб бошқа аёлга уйланиб кетса нима қиласиз? Меҳр кўзда дейдилар. Иссиқ ўрнингизни совутмай орзу-умид билан, оқ либос билан келин бўлиб тушган уйингизга қайтинг. Йигит моли ерда, ажабмас эрингизни ҳам ишлари ўнглиниб кетса. Иккиланмасдан ота-онангизга ётиги билан тушунтиринг ва эрингиз билан уйингизга қайтинг ва соғлигингиз тиклангунча оғир юмуш қилмай кўпроқ ўзингизга болаларингиз тарбиясига вақт ажратинг. Эрингизни очик юз билан, ширин сўз билан кутиб олинг. Бориға шукр қилиб, сабр билан яшагга интилинг. Кўпроқ табиат қўйнида очик ҳавода юринг, ойнага қараб ороланиб, мен сопа-соғман деб ўзингизни ишонтинг, руҳингизни тушурманг. Ота-онангиз ёрдам берса ўз қизларига ёрдам беришибди-да. Одамлар бегоналарга қанча яхшилик қилишади. Ўз боласига

видан ҳар хил камчиликлар топар, қизини бой йигитга бермаганидан афсусларнардир. Доим келса: «Умринг камбағалликда ўтаяпти»,- деб, қизини дилини оғритиб кетарди. Секин-аста Холид ҳам онасининг таъсирида эридан беза бошлади. Уни ҳам бойлик қизиқтира бошлади. Холидани қизи жуда ҳам отасини яхши кўрарди. Бу қизалоқ оилани бахти эди.

Бир кун Каримжон ишдан чарчаб ке-

## КЎЛНИНГ КИРИ

лади. Хотини уни яхши қарши олмайди. Шу куни ҳам онаси келиб кетганди. Холид ҳаётдан нолиб: «Менинг тилла безакларим йўқ, одамлар каби яхши кийиниб юрмайман. Сиз эса оилани яхши таъминлай олмайсиз. Мен энди бошқа аёллар сингари чет элга бориб келиб, савдо ишлари билан шугулланаман», - деб жанжал қилди. Лекин эри хотинини чет элга боришига, савдо билан шугулланишига рози бўлмайди.

«Инсон ҳамма нарсага қаноат қилиши керак, биз ҳам ҳалол меҳнат билан секин-аста турмушимизни яхшилармиз», - дейди. Холид: «Ундай бўлса, мен сиз билан яшайман, онамни кетман», - деб айтади. Каримжон жahl устида: «Кетсанг кетавер, зорим йўқ, тўрт томонинг қибла», - дейди. Холид аччиқ устида онасиникига кетади.

Каримжон Холидани оркасидан йўқлаб бормади. Қизини жуда соғинса ҳам қайнона уйига қадам босмади. Бир йилдан кейин Каримжон ишдан бўшаб, пул топиш учун Россиянинг Тайга ўрмонларига ишга кетди. Холид онасиникида 2 яшар қизи билан қолди. Онаси уни бой эрга бера олмайди. Қизча ота меҳрига зор бўлиб, тирик етим бўлиб қолди. Каримжон эса қайтиб келиб бошқа аёлга уйланиб кетди. Мана пул, мол-дунё деб бир тинч оила барбод бўлди. Пул қўлнинг кири. Бугун бўлмаса, эртага қўлга киради. Оилавий ҳаёт бир издан чиқса, уни қайтадан йўлга солиб бўлмайди. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак.

**Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,**  
Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани.

### «Қийин аҳволдаман!» 40-сон

**Эслатма:** Сифтош дугоналарим турмушга чиқиб 2-3 та фарзандли бўлишди. Аммо менга совчилар келавермади. Чунки онамнинг феъл-аҳли ҳамма биларди. Орадан 5 йил ўтгач онам мени камбағал бир йигитга турмушга берди. Аммо мен касал бўлиб қолгач, онам қайнонам-қайнонамни кўриб юбормай қўйди.

Гулчехра

## МЕҲР КЎЗДА ДЕЙДИЛАР

дори-дармон олиб берганини куёвни юзига солиш одамгарчилик, мусулмончиликка тўғри келмайди. Онангизга айтинг эрингизни ҳақоратлатиб турмасдан, «онахон, мен уйимни бузмайман бориға сабр қилиб яшайман», - деб уйингизга кетинг, сал мустақил фикрлайдиган бўлинг, ёш эмассиз, оила кўрган, 2 фарзанднинг онасисиз. Ҳеч ким болаларингизга ўз отасини ўрнини боса олмайди, агар билсангиз. Уйингизга қайтиб тинч-тотув яшаб, тўйлар қилинг.

Йигит кишини кўнгил пиёласи синмасин, сизга, оиласига, болаларига меҳри бор экан, йигит боши эгилмасин. Ўз бахтингиз, болаларингизни келажаги учун ҳам масъулиятни ҳис этиб яшагга интилинг.

Машхура ИСХОҚОВА

## ШИРИНСЎЗЛИК ҲАМ БАХТГА ЕТАКЛАР

Дилшода хонадондаги воқеалар ҳақидаги тафсилотлари барча мухлисларимиз каби мени ҳам бефарқ қолдирмади. Аввало шуни айтиш керакки Дилшода-нинг ўзи «Интиланганга толе ёр», - деганларидек астойдил интилиб ўқиши, илм-ҳунарли бўлиши керак эди. Ҳаёт тўқислигини ҳар бир инсоннинг ўзи яратади, менимча. Чунки кўп билган одам ҳеч кимдан аиникса эридан дашном емайди.

Қаламкаш Н.Йўлдошевнинг «Ота-она ўртасида аввало ўзаро ишонч ва гўзал муомала бўлиши керак», - деган гапига юз фоиз қўшиламан.

«Тарбия» деган тилсимотни эгалламаган оила бошлиқлари, аиникса, аёл эрнинг жahl қиққанда бир зум оғзини (фараз қилсин тишини орасида жийданинг да-ниги бор, очса тушиб кетади) юмиб турса олам гулистон бўлиб, олган чўғ ўчарди қоларди.

«Айбисиз парвардигор» деганларидек, оиламиздаги 7 фарзандни улғайтиришда умр йўлдошим аиникса 1-синфнинг ярмигача уларнинг ўқишини суриштириб бироз уришардилар ҳам, боланинг йиғламираб ўтирганини кўрсам ҳам ичимга катта тошни солиб, четдан қараб турардим. Лекин 40 ёшимда кўрган кенжа ўғлим - Аҳмаджонга гал келганда бироз унинг ёнини олганман. Шунда домла болаларга эшиттирмай, «Хоним шунчасига чидаган нега бунга қолганда қойдани бузаяпсиз», - дея танобимни

Синглим Азиза, сиздан олисда бўлсамда, дилдан яқин бўлгим келди. Ёш бошингизга қарамай шунча синовларга бардош берган синглим, ҳаммиса сабрли бўлинг. Ойижонингизга айтар гапларим бор. Биз қизларини тақдирини, бахтимизни, соғлигимизни Оллоҳдан узу-қун тилайдиган шу Омазонимиз бўладилар. Сирлашадиган сирдошимиз ҳам, дардлашадиган дардақшимиз ҳам фақатгина Онажонимиздир! Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига бахт-сизликни раво кўрмайди, аксинча борган жойида тинчсин, тошдай қотсин дейдилар, лекин айрим сабаблар билан бизни тушуниши хоҳламай қолишади. Ойижонингиз «бойроқ» инсонни танла деб катта хато қияптилар. Бойлик қўлнинг кири-ку, бир кун келиб кетадиган нарса. Бойликка ружу қўйиб турмушн бузилганлар озми бу дунёда, лаънат бундай бойликка, бир бурда нон бўлса ҳам, оддий чордевор уй бўлса ҳам тинч осуда, бахтли ҳаёт кечирганга не етсин.

Йигитни 4 мучаси соғ, касб-ҳунарли бўлса, қолаверса, қизингизни бахтли қила олса - бундан ортик бойлик борми, бахт борми. Уларнинг бахтини, тинч-тотув ҳаётини кўришингизнинг ўзи-ку давлат, ўзи-ку савлат Ойижон. Уларни севгисига тўқинлик қилманг, йўлларига ғов бўлманг. Худойим ҳар бир инсонни ризку насибаси билан яратган. «Алишер ўқиманг», - дебсиз Алишер бир хил ўқиган йигитларимиздан кам эмас-ўз йўли, ўз эрки қўлида. Ёшлигида ҳар бир инсон ўзи билмаган ҳолда ҳато қилиб

### «Ўғловнинг кўзидан оққан ёш...» 40-сон

**ЭСАЛТА:** Турмуш ўртоғим жуда кўпол. Арзиманг нарсага ҳам жаҳли чиқиб кетаверади. Болалар билан ҳам муомаласи кўрс. Тўнғич ўғлим 4 синфга ўқийди. Дарслари мураккаб. Савол бериб қолса, «Онангга бор, бошимни қотирма», - деб жержиб беради.

Н.ЙЎЛДОШЕВА



аҳилликда яшаб келишяптиким, бу бизнинг бахтли қарилгимизни яратган.

Дилшодахон, қулоғингизда бўлсин, аёл киш и ҳамма вақт эр камчилигини ичига ютиб, у билан олишмайди. Айланиб-ўргилиб уни кироий ёш боладек эркалаб муомала қилади, шунда у жилланган тиник ҳаёт сувининг юзюда юради, йўқса эр бир тепиб сувнинг ичига шўнгитиб юборарди, шу галим шуурингизга муҳрланиб турсин, қизгинам. Шунда ўзингиз ҳам, болаларингиз ҳам энг муҳими, бош эгангиз ҳам хурсандликда яшайсизлар, шундай тажрибани қўллаб кўринг-чи, нима бўларкин?

Афифа ХАСАН қизи

қўяди. Ҳаммамиз ҳам ёшлиқда ота-онамизга азоб берганмиз. Уларни ёшига кирганимизда бунга англаб етамиз.

Азизахон синглим, дардини берган, шифосини ҳам беради, кўзларингизга нур берсин худойим. Ҳақиқатни айтиб, яхши қилибсиз, бир кун келиб барибир биларди-у, қачонки сизга уйланганида, ўшанда кеч бўларди, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни билгани яхши-да.

Яхши ният ярим давлат дидир. Яхши ният қилибсиз, ажаб эмас турмуш қуриб фарзандингиз исми-ни «Мирмуҳаммад» қўйсангиз, илоҳим орзулаган, бешиқларга алла айтиш насиб этсин. Оллоҳ кўзларингизга «нур» - бахт нурини сочиб турсин. «Мухаммад» сизларга бахт келтирсин. Онажонингиз сизни тушунишларини хоҳлардим, сиз ҳам у кишини розилигини олинг. Оппоқ либосда остонадан яхши ниятлар билан қилинг. Кўзунгизга қизингизга дуо қилинг чимилдиклар тўрида таъзим қилиб турсин доим, бахтингизни кўриб қувонсин. Азизахон синглим, исмингизга хос доимо азиз бўлиб юринг. Онажонингиз ва севгилингиз бахтига соғ-омон бўлиб юринг. Оллоҳ сизларга умр-боқий бахт-тахт ато қилсин.

### «Онажон, мени тушунинг!» 34-сон

**ЭСАЛТА:** «Алишер исмаил йигитни севиб қолдим. Бироқ, оёим бизнинг турмуш қуришимизга қаршилар. Сабаби, мен ўзига тўқ оилада вояга етаяман, ҳеч нарсага зорикчанам йўқ. Кўриш қобилиятимнинг ёмонлиги ҳам Алишерга маъдум».

АЗИЗА, Бухоро шаҳри.

Илтимос, кейинги ҳаётингиз ҳақида ҳам ёзиб юборинг, кутаман.

**Каромат ДЕҲҚОНОВА,**  
Қашқадарё вилояти,  
Қосон тумани.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЛОНЛАР!



**Асаолимиз Абдуназаров САМАНДАР!**  
Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин. Ота-онанг кўзини қувонтириб, ёшганга ёш қўшилсин.  
Бобонг, момонг ва яқинларинг номидан,  
Нодирбек Абдуназаров, Қумқўрғон тумани, С.Бойматов ж/х, Янгиер маҳалласи.

**Азиз синглим ДИЛОРМОН!**  
Таваллу аёминг муборак бўлсин. Сенга ошлавий бахт ва соғлақ тилаймиз.  
Аканг Абдукарим, келиннинг ва жиянларинг



**Меҳрибон қизимиз РАЪНОХОН!**  
Таваллуа кунинг ва тўйингга бир ой тўлгани билан қутлаймиз. Кўёвимиз Санжарбек билан бахтли ҳаёт кечуриб, шириндан-шакар фарзандларинг ота-онаси бўлинг.  
Отанг Раҳматилла, онанг Марҳабо ва жигарларинг.



**Раҳматжон АШУРОВ!**  
Сизни касб байрамингиз билан табриклаймиз. Соғ ва омон бўлинг!  
Поччангиз Ашур, синглингуз, жиянларингуз. Самарқанда вилоятчи, Галаботир қишлоғи.

**МУРОДЖОН!**  
Сени 17 баҳоринг билан қизғин қутлайман.  
Севимли опанг ва ошла аъзоларинг



**Онажонимиз РИХСИНISO!**  
нома таъсис қилган. Мажаро унга ҳам етиб борди. Ҳафтанома воқеага бағишлаб хабар чоп этди: "Қишлоғимизда дуппа-дуруст бир оила бузилиб, болалар етим бўлиш арафасида. Бу барчамизга иснод эмасми? Яраштириш комиссияси, аёллар қўмитаси, жамоатчилик нега бепарво? Бир жон, бир тан бўлиб қишлоғимизни гуллатаётган ҳалол, мурувватли кишилари шаънига зарра доғ тушишига йўл қўймайлик". Кўюниб ўртага ташланган саволлар, даъватлардан иборат бу мақола ҳам миш-мишларга қўшилиб кетди. Эр-хотинни инсофга чақирувчиларни бўлса Нортोजи яқинига йўлатмасди. "Оилани ўйламай, мулкни пуллаб юборадиган эр керакмас менга", - деб турди олди. Орадан икки ҳафтача вақт ўтди. Узоқ вилоятларнинг бирида ўгли билан яшаб турган Нортोजининг отаси


келиб қолди. Кўзи билан кўрганлари, қулоғи билан эшитганларига ишонгиси келмасди. Икки-уч кун деганда ҳамма нарсани суриштириб билди ва кўёвга деди: "Сигирни сотибсиз, пул қани?"

- Турибди. Яқинда сабзини қовлайман. Худо хоҳласа, яхши даромад қилсам керак. Қўшиб-чатиб бир зотли ғунажини, ё бир йўла дурустроқ соғин сигир олсам дегандим.

- Яхши ўйлабсиз. Сабзини кутиб ўтирмай, мендан керагича қарз олинг. Эрта бозор бир яхши мол олиб оғилга бойлайлик. Сабзини сотгач, қарани узарсиз.

Иш қайнота айтгандай бўлди. Ёш, зотли бир сигир оғилга боғланди. Нортोजи одати бўйича, ширинсухан бўлди-қолди. Ахир янги олинган сигир ҳар кимнинг ҳавасини келтириди-да. Ялтирайди. Елини айтайсизми! Яқинда тугиб беради. Энди Нортोजи эрига табассум билан боқади. Ҳар дамда: "Адаси, адажонисини", - деб мурожаат қилади. Қарашнинг чеки йўқ. Булбулдай сайрайди. Қўникиш, ҳамқишлоқларни безовта қилган миш-мишлар орқада қолди. "Ҳамқишлоқ" навбатдаги сониди бу воқеага бағишлаб янги мақола чоп этди.

Собиржон ХИДОЯТОВ, Тошкент шаҳри.



Кўпинча газета саҳифаларида ёмон қайнона ва қайнэгачилар ҳақида ўқиймиз. Лекин беш қўл баробар эмас. Мен ҳам қайнэгачиман. Укамнинг оиласи барбод бўляпти. Мен бундай бўлишни сира хоҳламайман, чунки менинг ҳам фарзандларим бор. Шулардан иккиси қиз. Уларнинг ҳам бўйи етиб қолди. Ахир қан-

фат бир тасқара. Ҳар гапига русча қўшади. Ахир бунинг олдида келингинам фариштаннинг ўзи-ку. Укам уни нимасига учди, билмадим. Ўша тасқара билан бўлган гапларни ёзиб ўтирмайман. Ўзингиз фаҳмлаётган бўлсангиз керак.

Ундай виждонсиздан яхшилик чиқмаслигини кўнглим сезганди. Яна чиқмаган жондан умид, деб боргандим. Бекор асабим бузилгани қолди. Энди нима бўлар-

# ҲАЛИ ҲАМ КЕЧ ЭМАС...

доқ қилай, келинимизни укамга сўраб онам билан мен ҳам боргандим, укамни хўп мақтагандим. Ушанда мен вақт ўтиб укамни бунчалик ўзгаришини билибманми. Укамни оила қурганига мана 15 йил бўлди. 3 фарзанд бор. Болаларини кўрсам эзиллиб кетаман. Худди чўқаётган кемадагиларга ўхшашади. Укам ўзига жазман орттириб олган. Шу воқеа сабаб оиласидан барака кўтарилди, тинчлик йўқолди. Жанжал устига жанжал, болаларини ҳам тинчи йўқ. Эҳ-ҳе, қанча гап-сўзлар бўлиб ўтди, қани фойдаси бўлса. Тўғри, биз ҳам дастлаб келинимиз билан осонликча чиқишиб кетмадик, ахир қушда ҳам феъл бўлади. Лекин ҳеч қанчун уни бу аҳволга тушишини хоҳламаганман. Туриб-туриб укамдан нафратланиб кетаман. Барибир жигарим, уришамиз, ярашамиз. Келинимга қийинлигини биламан. Қалби яраланган. Ярадор қалб билан инсон яшаси қийин. Укамнинг жазманни бир кўриб қўйчи, деб пойлаб, уйини топдим. Бир гаплашиб, укамни тинч қўйишини сўрамоқчи эдим. Қаёқда, хўп одамга дуч келибман. Афтини кўрсангиз, миллатини тушунам-сиз. Сочни сариққа бўяб, хурпайтириб тугиб қўйилган, маймунси-

кин, деб юрагим сиқилади. Бу барчамиз учун, ота-онам, ака-ука, сингилларим учун ҳам ташвиш бўлди. Қандоқ қилсак булар тиниб-тинчиб кетишаркин, билмадим. Келиним ҳам бизлардан тобора узоқлашиб кетаяпти. Ахир бизда не айб? Биз шундоқ бўлсин, дебмидик. Қудалар олдида ҳам юзимиз шувит, бошимиз эгилди. Қанча-қанча орзу-хаваслар билан узатишганда қизларини! Эҳ укажон, кўзингни оч, саробга интилиб кетаялсан-ку. Ҳақиқий жуфтинг, фариштанг, фарзандларингни онаси олдига қайт, илтимос, эсингни йи!

Мен опанг, ака-ука, сингилларингни, ота-онангни ҳаққи ҳурмати бу йўлингдан қайт. Бизга сен топган ўша махлуқнинг кераги йўқ. Сен туфайли келинимиз, ўз жигарларимиз жияларимиздан узоқлашиб кетяпмиз. Ҳали ҳам кеч эмас, ортинга қайт. Барчасидан айрилганингдан кейин пушаймон қилганингдан фойда бўлмайди. Вақт орта қайтмайди.

Розия

## ХАТАРДАН АСРАБ ҚОЛДИМ

Вақт алламахал бўлиб қолган, бекатда узоқ турдик ҳамки, биз қутган автобус келавермади. Шу пайт бир энгил машина ёнгинамизга келиб тўхтади. -Қаерга борасизлар? Шофёр йигитга манзилимизни айтиб машинага жойлашдик. Бир кунда қанчалаб одамларнинг узогини яқин қилиб, манзилига элтиб қўяман. Шу вақтлар ичида ажайиб тасодифларга ҳам дуч келаман дейди. - Музаффар ўз хикоясини бошлаб. -Бир куни одмигина кийинган, аммо юзларига турли хил бўёқлар суртиб олган қизалоқ машинамни тўхтатди. -Қаёққа кетаялсан, вақт алламахал бўлиб қолди-ку? - сўрадим қизалоқдан машинага жойлашиб олгач. -Ўзим ҳам билмайман... -Бу нима деганинг? Ота-онанг борми? Йўлга тўлашга кимдан пул олдинг? -Кетма-кет берган саволимдан қиз йўғлаб юборди. Шунда юзидagi бўёқлари чапланиб "олабўжи" бўлиб кетганини кўриб: "Нега бунақа бўяниб олдинг? Ахир бундай қилиш ёшинга тўғри келмайди?!" дедим. -Халиги...Бозорда қизлар, аёллар мардикорликка чиқаётганмиш... Бировларнинг уйини тозалаш, кирини ювишни, ишқилиб шунча ишларни мен ҳам биламан. Ҳозир пулим йўқлигидан ўша ёққа кетаяпман... -Бу ишингдан ота-онанг хабардорми? -"Йўқ", - дегандек бош чайқади. Мен қизни қийиб бошладим. "Сен ҳали ўсмир қиз боласан, бу ишларни эпполмайсан, шуни биласанми?" -Шунинг учун ўшаларни кўзига яхши кўриниш учун бўяниб олди, -дея оиласи ҳақида сўзлаб берди. Ота-онаси, икки синглиси билан бахтли яшашаркан. Тўсат-

дан онаси оғир хасталикка чалиниб вафот эттибди. Ота зимдан адои-тамом бўлибди, ўзига қарамай қўйибди, ичкиликка берилибди. Бундан ташвишга тушган қариндош-уруғлар уни бир аёлга уйлантириб қўйишибди. Дастлаб тинчгина яшашибди. Кейин эса... Ўғай она тўнғич қиз Назирани сабабсиз қойиб, калтаклайдиган одат чиқарибди. Ота эса буни кўриб кўрмаганликка оларкан. Бир куни Назира уйдаги аҳволини яқин дугонасига айтибди. Унга раҳими келган дугонаси Назирага ўзича маслаҳат берган. Шу маслаҳатга кўра қиз бугун йўлга чиққан экан.

Мен қизнинг гапларини эшитиб бошим қотди, - дейди Музаффар ҳикоясини давом эттириб. -Сўнг машинани тўхтатиб қизга дедим: -Аҳволинг оғирлигини сезиб турибман. Лекин сен хато йўлни танлабсан. Мардикорлик хангома-ларни сенинг ҳаётингни бутунлай издан чиқариб юборди, тушундингми? Сен ортага қайтишинг керак! Бу қийинчиликлар ўтиб кетади. Оиланг бағрида бўл, сен учун энг қулай йўл шу!

Қизни Жиззах томон кетувчи автобусга ўтказиб, қўлга пул тутқаздим. Ахир бир қизни хатардан сақлаб тўғри йўлга солиб юбориш инсонийлик бурчим эди, шундай эмасми?

Биз Музаффарнинг сўзларини бош силкиб маъқулладик. Орамизда шундай ҳалол ва инсофли одамлар борлигини кўриб энгил тортидим. Ҳа, яхшилар кўп. Бундайларга сўяниб яшасангиз арзийди.

Чўлпоной МЕЛИҚУЗИЕВА

Мен Сурхондарё қизиман. Исми Садоқат. Ёшим 28да. Бу мактубимни ёзишимдан мақсад: бир муаммо қаршида бошим гаранг, руҳим ярдор...

2003 йилнинг ёз ойларида бир йигит билан танишиб қолдим. У ориятли йигитга ўхшарди. Янглишмабман. Биз танишгач тез орада бир-биримизни ёқтириб қолдик. У мендан ҳаётидаги бор ҳақиқатни яширмади. Оиласидан ажрашгани-ю, битта фарзанди борлигини, қалтис ишга аралашиб, икки йили бекор кетганини сўзлаб берди. Орадан бир ой ўтгач, у менга юрак ютиб: мени севиб қолганлигини, турмушга чиқишимни илтимос қилди...

Унинг шодлиги дунёларга сиғмасди... Одамларнинг "уйланган йигитга тегапти" деган бехуда гапларидан кўра, ўксик бир кўнглини шод этиш мен учун муҳимроқ эди... Унинг оиласи ўртаҳол бўлганлиги сабабли, у менга бир йил мuddат кераклигини, тўй учун керакли маблағни ўзи ишлаб топиб келишини айтиб, қутишимни илтимос қилди бу эртаси куни аллақайқа гоийб бўлди... Негадир мен билан хайрлашмади ҳам... Унинг қўли гул уста эканлигини ана шунда билдим... У кетгач, тез орада соғина бошладим. Ундан эса негадир дарак йўқ эди... Кунларим армон, тунларим ҳижрон билан ўта бошладим. Чунки биз сайру-боғ қилиб, кўчаларда етаклашиб юрмасак-да, бир-биримизни севиб қолган эдик. Муносабатимиз ҳам беғубор эди... Ниҳоят қишининг бошларида у қайтди... Кўзларида соғинч ёшлари билан қаршимда турган севги-

лимнинг боши ҳам эди. Чунки, у яқин орада опасидан ажралган эди... Унинг қалбига озор беришдан чўчиб ҳеч нарсани сўрамадим. У ҳам индамади...

# УНИ ХАМОН КУТАЯПМАН...



Юрагимда эса шубҳалар галаён қиларди. У қаерларда бўлди, нима ишлар билан шуғулланди деб... Барибир уни тергашга бардошим етмади. Ундан кечим келмасди. Бизнинг ярим сотлик дийдорлашувимиз узоққа чўзилмади. У яна мен билан хайрлашмай ор-

тига қайтиб кетди... Мен учун яна соғинчли кунлар бошланди. Орадан 6 ой ўтгач у яна эрта тонг оstonамада пайдо бўлди... Кўнглимдаги ишонч пойдеворида дарз кетгани сабабли уни бу сафар оstonамадан хайдадим. Ҳатто кўришмадим

ҳам... Юрагим эса дод солар, руҳим оқушлари мени аллақачон тарк этган эди... У кетгач алам билан узоқ йиғладим... У ҳам хайрлашмай яна гоийб бўлди... Бу орада яна 6 ой ўтди. Тўсатдан унинг севишли онаси вафот этди. Шу тўйга файли у яна ёнимга қайтди... Бу сафар чидай олмадим. Сўроққа тўддим... Ботир акам эса нукул мени юпатар, узоқларда устачилик қилаётганини, мени севишини, ҳалол пул топаётганини тақрорлар эди... Негадир унга ишонгим келарди... Лекин... Ишонмай қўйган эдим. Чунки у ҳар сафар шу сўзларни тақрорлар, лекин нима учун хайрлашмай кетишини айтмасди. "Хайр" дейишни ёқтирмасмиш. Бироқ қачон қайтиб келса, биринчи бўлиб менинг олдимга келар, мени кўриб, кўнгли тинчир, сўнгра яна қайтиб кетарди. Негадир мен бу гал қаттиқ туриб олдим. Кетмаслигини илтимос қилдим. Онанинг азасидан бағри қон севгилим мени қандай ишонтиришни билмасди... Ниҳоят у: Садоқат, нега мени қинайсан, сен менга ишон, йигит сўзим, сени ташлаб кетмайман, онамнинг қирқи ўтгач, ҳеч бўлмаса,

"нон синдириб" қўямиз, ҳали тўй қилишининг иложи йўқ деди... Менинг кўнглимга эса тўй сиғмасди, чунки онасининг хотирасини ҳурмат қилардим. Менга унинг қўша-қўша сарпоси-ю, пуллари эмас, меҳри керак эди-да. Агар у мени севганида аллақачон бошимни боғлаб қўймасмиди? Уни "мени ташлаб кетади" деб ўйлашга ҳаққим йўқ. Чунки у менга қўлининг учини ҳам тегизмас, самимий севарди-да... Шу сўхбатимизнинг эртасига у бир қўшнис билан уришиб қолиб, яна ортига қайтиб кетди. Бу сафар ҳам мен билан хайрлашмади. Лекин мен уни унута олмаяман. Уни унутгандан кўра юрагимни сўғуриб ташлашга розиман. Шубҳалар юрагимни тилкалаб ташлаяпти. Унинг характери ўжар, жангарирок бўлгани билан жуда ориятли... Бироқ у менга бошқа кетмасликка ваъда берган эди-ку. Шунчалик ҳам бебурдлик бўладими? Айби бўлмаса нега қочиб кетади? Мана ҳозир ҳам у олисларда нима иш қилиб юрибди. Соғмикин? Наҳотки 14 ой ичида битта тўйнинг ҳаражатини тополмас. Азизлар, айтинг, мен нима қилай. Кутай десам, у қайтадими йўқми, кутмай десам-юрагим... Ундан ҳамон хабар йўқ. Наҳотки покиза муҳаббатим жувонмарг бўлиб кетса! Наҳотки орзуларим ҳазон бўлса! Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам тақдирда битилган экан. Шу кунларга кўниқишга мажбурман. Унинг ўксик дилга ҳамдард, сунячиқ бўлгим келади. Мен ҳамон уни пинҳона кутаяпман. Зора қайтиб келса. Қайтмаган тақдирда ҳам мен токи тирик эканман, покиза муҳаббатимни шу жажжигина, маъсума юрагим қатлариде авайлаб асрайман. Азизлар, менга маслаҳат беринглар! Дили поку, ваъдалари осмон бу йигитни нима қилай? Сизларга умид билан боқиб қолувчи қиз,

Садоқат, Термиз шаҳри.

- Опажон, мени уйда яна болаларим қолган. Лекин бир гапни айтиш учун уларни ташлаб келишга мажбур бўлдим. Иложи бўлса ёрдам беринглар, дегя гап бошлада тахририятга қириб келган аёл.

- **Нима гап сизни бу ерга бошлаб келди? - дея сўрадим.**

- Бундан бир қанча вақт аввал хонадонимизда ўқишга кирмоқчи бўлиб келган бир қиз ижарада яшаганди. Унга раҳим келгани учун уйимдан жой бергандим. Кейинчалик уни ота-онаси келиши олиб кетишганди. Лекин... Кунларнинг бирида эрталаб эшигимиз тақиллаб қолди. Эшикни очсам ўша эркак билан, аёл туришибди. Мен ҳайрон бўлдим. Уларни ичқарига тақлиф қилдим. Улар кириб фотиҳа қилишиб, бир пиёладан чой ичишгач, эркак гап бошлади, аёл эса йиғлаб юборди. Аввалига жуда кўрқиб кетдим. Кейин улардан нима гаплигини сўрадим. Аёл Бекобод шаҳридан келишганини, бир йиллар олдин катта қизи Хилоланинг уйдан чиқиб кетганлигини, лекин анчадан сўнг яна уйларига кириб борганлигини айтди. Ҳозир эса яна йўқ бўлиб қолибди. Мен ажабланиб:

- Бу воқеаларнинг менга нима алоқаси бор? - деб сўраганимда эркак: - Синглим, ҳамма гап шундаки у илгари сизнинг уйингизда ижарада турганди. Биз унинг дафтаридан манзил-

лингизни билиб олганларим қолган. Шунинг учун бу ерга келдик-да, - деди. Шундагина мен бир пайтлар уйимизда турган қизни эсладим. Чиндан ҳам у ўқишга қира олмасдан кетганди.

- Хилола уйдан кетиб қолди. У уйдаги барча тилла тақинчоқларни олиб кетиб қолди. Бу тақинчоқлар анча турарди. Биз эртага қизларимизга тўй қилсак, узатсак шуларни ишлатамиз деб йиққандик. Лекин Хилола бизларни қон қақшатиб кетди. Жамоамизда ҳам, яшаб

турган маҳалламизда ҳам ўзимизга яраша обрў-эътиборимиз бор. Мана энди қўни-қўшнилари олдиде бoш кўтара олмайдиган бўлдик, - деб гапирар экан эркакнинг ҳам кўзларида ёш кўринди.

- **Сиз шу вақтда Хилола ҳақида бирор нарса билармидингиз?**

- Йўқ, ўша кетганича бир йилдирки қайтиб кўрмагандим. У ҳақида бошқа ҳеч нарса билмасдим ҳам.

- **Кейин улар кетишди-ми?**

- Ҳа, бошқа иложлари ҳам йўқ эди-да. Қанча истаганим билан уларга қизини топишга ёрдам бера олмасдим. Аммо аёл битта қоғозга Бекободдаги манзиллари ва телефон рақамларини ёзиб берганди. Мен ҳам агар Хилола келиб қол-



## ТАШРИФЛАРИНГИЗ

ни айтдим. У ҳатто гапларимни эшитишни ҳам истамади. Унга Тошкентда яшаш жуда ёққини, ота-онаси яшаётган жойлар жуда зерикарли эканлигини айтди. Кейинчалик бензин қўйиладиган шохобчага ишга кириб олибди. Яхши пул топаяпти. Хуллас, у уйига қайтиб кетмади. Мана ҳозир ҳам меникида яшаяпти.

- **Уни уйингизга қўйишга қандай**

нинг қўлидаги боласи фингшиб йиғлай бошлагач, у кетишга отланди. Кета туриб телефон рақамини қолдирар экан: - Агар Бекободдан Хилоланинг ота-оналари кўнгироқ қилишса, "Қизингиз Хилола ўша сизлар келган хонадонда яшаяпти. Келиб олиб кетар экансизлар!" - деб ёзишимизни илтимос қилди.

17 ёшга тўлиб-тўлмаган қизнинг ўзгаларнинг уйида, оиласидан олисда яшаси яхши эмас.

**Хилола! Нега бундай қилдингиз? Агар Тошкентда яшаш ёқса ўқишга кирсангиз бўларди. Сизни умид билан ўстирган ота-онангизнинг топганини ўмариб, олгани уялмадингизми? Сиздан кейин...**

# ОТА - ОНА ЙИҒЛАМАСИН

**- Шундай қилмадингизми?**

- Йўқ, афсуски қила олмадим. Чунки, уларнинг манзил ва телефон рақамларини ёзилган қоғозни йўқотиб қўйдим. Балки Хилола меникига умуман келмаса керак, деб ўйлагандим. Буни қарангки, орадан уч-тўрт кун ўтиб тақиллаган эшигимизни очсам, оstonада Хилола турибди. Аввалига танимадим. Очиғини айтганимда бир йил бурун келган Хилоладан асар ҳам қолмаганди-да. У сочларини кестирган, энг охириг урфдаги кийимлардан кийиб олганди. Унга ота-онаси излаб келганини, иложи бўлса тезроқ уйига қайтиб кетиши зарурлиги-

журят этдингиз. Сизнинг тақинчоқларингизни ҳам ўғирлаб, кетса-чи?

- Афсуски, у уйимизга яхшилаб ўрнашиб олгач бу ҳақда ўйлай бошладим. Ахир у кўзга яқин қиз. Дунёда эса ёш қизларни алдаб, турли жиноят қиладиган одамлар ҳам йўқ эмас. Хилола билан бирор гап бўлса биз жавобгар бўлиб қолишимиз ҳам мумкин. Бу менинг тинч ҳаётимни бузиб юборса-чи? Ана шуларни ўйлаб сизларнинг олдингизга ёрдам сўраб келдим. Хилола менга ота-онасининг телефон рақамини барибир бермайди. Энди бор ишончим шу "Оила ва жамият" газетасидан. Аёл-

сингилларингизнинг тақдирини нима бўлади. Сиз келтирган иснод уларнинг келгусидаги ҳаётига таъсир қилиши мумкин, ахир. Хали ҳам бўлса уйингизга қайтиб, ота-онангиздан кечирим сўранг. Маҳаллада бошлари эгилмасин. Уларнинг қарғишини олиб бирингиз икки бўлмай, хор-зор бўласиз. Ота-онанинг қарғишини ўқидир, унга учраган эса йўқдир, дейишган. Бола йиғласа ота-она овутади, агар ота-онанинг ўзи йиғласа-чи?.. Уларни қон йиғлатманг, Хилола! **Басира САЙДАЛИЕВА.**

Сизни илк бор учратганимда, ҳали ўзимга номалум бўлган хиссиёт оғушида қолганим. Орадан икки ой ўтгач, сизнинг: "Мен сизни севаман", - деб пичирлаганингизда, қанчалик бахтиёр бўлганлигимни тасаввур ҳам эта олмайсиз. Чунки, мен ана шу сўзларни сизни учратган кунимдан буён орзиқиб кутганим. Ўша пайти талабалар ётоқхонасининг чоғроққина хонасига кириб келишингиз билан, менга шу торгина хонам ҳам кенгайиб кетгандек туюларди. Ўша дамда биздан бахтиёрроқ инсон йўқ эди бу оламда. Манзилларимиз олис бўлсада, қалбларимиз яқин эди. Ана шу қалблар узок масканларни ҳам яқин қилди, бириктирди. Айна пишиқчилик, тўкинчилик пайти, ёз ойининг сўнгги кунларида орзу-хавасларга тўла тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Ҳамма хурсанд. Аммо негадир сиз хомуш эдингиз. Тўйга гилам кўтариб келган аёллардан бири сизнинг пешонангиздан ўпар экан: "Мен Сожида амманг бўламан Нодирбек, бунга қара-я, ойдаЙ йигит бўлибсан-а", - деган гапи қулоғимга чалинди. "Меҳрибонлик уйи" - да Сиз билан бирга тарбияланган дўстларингиздан бири келиб, "Нодир тоғанга бир қарар экансан" деб кетганида, сиз қувончданми ёки аламданми қизариб кетдингиз. Биз томон бир-бир қадам босиб, шохмай келаётган салобатли эркакка хушламайгина қўл чўздингиз. Унинг: "Кечирасан жиян, иш билан бўлиб, сендан хабар ололмадим. Вақтинг тез ўтишини қара-я", - деган гапларини назаримда эшитмадингиз ҳам. Тоғангиз кафтингизга қўйган бир даста пулни эса қайтариб, унинг кўкрак чўнтагига солиб қўйганингизда, сизга нисбатан хурматим, меҳрим янада ошди. Сиздек ғурури баланд, ориятли инсоннинг турмуш ўртоғи бўлаётганимдан фахрланиб кетдим. Ҳа, тўйимизни "Меҳрибонлик уйи"да сизга гўдаклигингиздан ҳам ота, ҳам она бўган қадрдон тарбиячиларингиз, шаҳар хокимлигининг ёрдами билан ўтказмоқда эди. Биз танишганимизда ҳеч кимингиз йўқлигини, ота-онангиз автохалокатда ҳалок бўлишганини айтган эдингиз. Касалманд бувингиз умри охирида қолганини сезиб, сизни ҳали 1,5 ёшлик болани "Меҳрибонлик уйи"га топширганлигини сўзлаб берган эдингиз. Энди бўлса...

-Нодирбек, мен Ойниса аммангман. Ҳа, энг кичик амманг бўламан. Туф-туф кўз тегмасин. Қўшганинг билан қўша қари.

Сиз ўзларини, "Қариндош" деб таништираётган нотаниш чехраларга қарар эдингиз. Аммо, уларнинг бирортасини 22 йил давомида бир мартаба ҳам кўрмаганингиз учун хайрон бўлардингиз. Шу кунги иккаламиз учун ҳам қўшалок байрам бўлди. Шаҳар хокимлигининг вакили тантанали равишда икки хонали уйнинг калитини топширади экан, олий ўқув юртини муваффақиятли битирганингиз билан ҳам табриклади. Тўйхона гулдурас қарсақлар-у, қийқириқлардан ларзага келди.

Орадан бир йил вақт ўтди. Бу орада сиз ўзингиз ўқиган олий ўқув юртида дарс беришдан ташқари, илм билан ҳам шуғуллана бошладингиз. Шунинг учун Жиззахдаги уйни сотиб, Тўшкентга кўчдик. Тўйда бирдан пайдо бўлган қариндошларингиз, бирор

маротаба холимиздан хабар олмаганликларини боис, уларни бошқа эсламадингиз. Мен ҳам улар ҳақида сиздан сўрашга журъат этмадим.

Ёдингизда бўлса, ўша кунги эндигина кечки овқатга ўтирган эдик. Ногоҳ кўнғироқ жиринглади. Эшикни очсам, останада ўзини тўйда "Сожида амманг бўламан", - деб таништирган аёл, бир ёш йигитча билан турарди. Уларни ичкарига тақлиф қилдим. Сиз эса қариндошларингиз билан хушламайгина сўрашдингиз.

-Нодирбек, мана бу йигит, ўғлим Сухробжон бўлади. Бу йил мактабни битирди. Шу, Сухробжонни ёшлигидан "юрисгилар", - деб ният қилган эдик. Эшитсак, юр-

ақлим билан Аллоҳдан менга ҳам қариндошларимни юборишини сўраб эдим. Буни қаранг-а, худога оҳим етибди. Аммо жуда ҳам кеч. Эндигина оёққа туриб одам бўлганимда сизларга керак бўлиб қолдим. Ёш бола бўлиб қўлимдан иш келмаганида эса мени ҳеч ким эсламаган эди. На сиз, на тоғам... Ўшанда сизнинг алам тўла сўзларингизни тинглар эканман, кўзларимга ёш қуйилди. Ҳеч нарса ни англамай, онасининг ёнида турган Сухробжон эса дам сизга, дам онасига қарарди. Аммангиз ўйлаган режаси амалга ошмаётганлиги сабабли жаҳли чиқди шекилли, индамай чиқиб кетиш ўрнига қўлини паҳса қилганича ўдағайлади:

-Ҳой, етимча! Ҳали менинг совунига кир ювмабсан.

Одам бўлиб қолганмишлар. Сенсиз ҳам Сухробжонни ўқитаман. Аммо



сени ишингдан ҳайдатмасам Сожида отимни бошқа қўяман. Сиз индамадингиз. Турган жойингизда тошдек қотдингиз. Аммангиз ўғлининг орқасидан қарсиллаб ёпилган эшик овозидан сўнггина чуқур "ух" тортдингиз ва бошингизни чангаллаганча курсига оғир чўқдингиз.

Аммангиз айт-

фақда домла экансан, мана сени қора тортиб келавердик. Ўзингни жигаринг, уканг. Сухробжонни қанотинга олсанг, шу ўқишга киришга ёрдам берсанг. Бу ёқда биз ҳам қараб турмаймиз.

Сиз кўз қарингиз билан аммангизга назар ташладингиз-да, индамай телевизорга тикилиб ўтиравдингиз. Орага ноқулай жимжитлик чўқди. Чойни янгилаш баҳонасида ўрнимдан турарканман, секин оёғингизни босдим.

-Бош устига, тайёрланаверсин. Билими бўлса тестдан ўтади, бўлмаса йўқ. Аммо, қўриб турибсиз, уйимиз бир хона. Сухробжон балконда ёта турар, - дедингиз телевизорга тикилиб.

-Нодирбек, биз сендан яшаш учун жой сўраб келганимиз йўқ. Ўғлимга Тошкентдан уй олиб беришга, худога шукр қурбим етади. Сиздан хизмат, ўғлимни ўқишга жойласангиз, қанча харажат бўлса биз тайёр. Нима бўлганда ҳам бегона эмассиз.

Аммангизнинг гапидаги кесатик оҳанги юрагингизга наштар мисол санчилди шекилли, илк бор унинг кўзларига тик боқдингиз.

-Шунча қариндошим, жигарларим борлигини билмай юрган эканман. Етимхонадаги болаларнинг қариндошлари чиқиб қолиб, уларни кўргани келишса ёки олиб кетишса ичимдан бир нима узилгандай бўларди. Менинг ҳам ё аммам, ё холам, ё худ тоғам бўлса эди, - деб ўйлардим. Мурғаккина

## ЯШАЙМАН

ганини қилди. Орадан кўп ўтмай, биринчи мартаба уйга маст ҳолда келдингиз. Гапингизга қараганда Сожида аммангиз институт ректори олдига кириб, сиз ўғлини ўқишга киритиш учун ундан катта пул олганингизни, аммо, алдаб, пулни қайтармаганлигингизни айтиб, тўхмат қилибди. Сизни мажлисда муҳокама қилишибди. Таъмағирликда, порахўрликда айблашибди. Афсус, аммо, ана шу бўҳтон, тўхматга ҳамма ишонди. Лекин, аммангиз бу билан тинчиб қолмади. Худди шу мазмундаги аризани у ҳуқуқ-тартибот идораларига ҳам берди. Тергов, суриштирув бошланди. Натихада ишдан ҳайдалдингиз. Бу пайти эса оғироёқ бўлганлигим сабабли таътилда эдим. Амал-тақал қилиб уйимиздагиларнинг ёрдами билан кун кўра бошладик. Қарзга ботдик. Сиз эса ҳамон тушкун кайфиятда эдингиз. Тез-тез ичиб келадиغان одат чикардингиз. Сизни тушунардим, аммо барча илтимосларим, ота-онамнинг панду-насихатлари бекор кетарди. Ишингиз терговдалиги боис, сизни ҳеч жойга ишга қабул қилишмади. Бу орада фарзандли бўлдик. Жажжи Ферузжон ҳаётимизга бир қадар ёруғлик олиб кирди. Шу орада айбингиз илтиботланмаганлиги учун сизга нисбатан қўзғатилган жиноий иш ҳам бекор қилинди. Шундай бўлса-

да, сизни қайтиб ишга олишмади. Бўлажак ҳуқуқшуносларга сабоқ берадиган одам пок ниятли, ориятли бўлиши керак экан. Улар шундай дейишибди. Ахир ана шу хислатларнинг барчаси сизда муҳжасам-ку. Хуллас, турмушда қийнала бошладик. Бу орада сиз аллақандай "дўст"лар орттириб, Россияга пиёз, қовун-тарвуз жўнатишда уларга шерикчилик қила бошладингиз. Айтишингизча, улар сизни ўзларининг "шахсий юристи" қилиб олишган экан. Бирор бўлса-да ўнландик. Ҳаётимиз изга туша бошлади. Энди сиз тез-тез сафарда бўладиган, менга бир ойга етадиган пул ташлаб, йўқ бўлиб кетадиган одат чикардингиз. Уйимизга ҳам шубҳали, ёқимсиз одамлар келадиغان бўлишди. Ўзингиз кўрс, кампап бўлиб қолдингиз. Дилингни дағиларни менга тўкиб солишингизни сўрасамда ё индамас, ёки мени силтаб ташлар эдингиз. "Дадаси, шу ишларингизни қўйинг, бирон бир қорхона ёки ташкилотга ишга кирақолинг", - десам, менга жаҳл билан: "Эндигина оғзим ошга етганида, яна гадоЙ бўлишимни истайсанми?" - дердингиз.

Ўшанда баҳор, орзулар фасли эди. Сиз анча ўзгариб қолган бўлсангиз-да, мен сизни ҳамон севардим. Қалбим тўрида асраб-авайлаб келаётган орзуларимизнинг албатта бир кунги ушалишига ишонардим. Сиз яна йўлга отландингиз. Негадир бу сафар умуман қўйиб юборгим келмади. Қалбим аллақандай ҳадик, кўрқув, хавф исканжасида эди. Худди Сизни бошқа кўрмайдигандай эдим. Шунча, "Кетманг" деб ялиниб, ёлвордим. Менга қўшилиб жажжи Ферузжон ҳам йўғлади. "Оббо, ўлмасимдан аза очвординглар-ку" деб кулдингиз. Ферузжонни эркалаб, бағрингизга босдингиз. Сўнг узоғи билан 15 кунда қайтиб келишингизни айтиб, кетдингиз. Кетишингиз билан янги олинган 4 хонали уйимиз хувиллаб қолди. Орадан 15 кун, бир ой, кейин 3 ой ҳам ўтди.

Т е л е ф о н л а р ёзилган ён дафтарчангизни топиб, "дўст"ларингизга кўнғироқ қила бошладим. Аммо улар келишиб олишгандай, қаерга кетганингизни билмасликларини айтишса, биттаси умуман сизни танимайман, деди. Ниҳоят тинмай қилган кўнғироқларимдан сўнг Соли исмли ўртоғингиз Россияга пиёз билан қўшиб гиёҳханд модда олиб кетаётганлигингизда қўлга тушганлигингизни ва ҳозир қамоқхонада эканлигингизни айтди. Ками билан 7 йил ётармишсиз. Бошим айланиб қўлимдан гўшак тушиб кетишига сал қолди. Яна айтибсизки, буларнинг барчасини мен билмаслигим керак экан. Менинг ва Ферузжоннинг номига доғ туширгангиз учун, ўзингизни кечира олмас экансиз. Ўғлимиз сизни ўлган деб ўйласа яхшироқ бўлар эмиш.

**Нодирбек ака, сиз қандай йўл тутманг, нима иш қилманг ҳаётимнинг сўнгги дамлари-гача менинг бу дунёдаги суянчим, боламнинг отаси бўлиб қоласиз. Мен бу ҳаётда сизга бўлган муҳаббатим билан тирикман. Албатта қайтинг. Интизорлик билан кутамиз. Сизни соғиниб, дийдорлашиш онларини кутиб қолавиши ОЙГУЛИНГИЗ.**

**Мактубни Наргис СУННАТ кизи оққа кўчирди.**



Ваннадаги сув ҳарорати 37-38°дан ортиқ бўлмаслиги керак, чунки унинг иссиғи сизни чарчатиб қўяди. Ваннани овқатдан олдин ёки овқатлангандан 1,5-2 соат кейин қабул қилиш лозим. Сиз ҳатто ўзингизни аъло даражада ҳис этаётган бўлсангиз-да, сув ичида 20-25 дақиқадан ортиқ турманг, негаки юрагингизга ортиқча юк бўлади. Ванна ичидаги сув юрак атрофига етиб келмагани мақсадга мувофиқдир. Сув ичида

килосини яхшилаб эритинг. Бундай ванна ҳафтада бир-икки марта қабул қилинг. Туз ёғ безларидан тўпланиб қолган захарли моддаларни чиқариб юборади, чарчокчи босади. Ваннадан сўнг тузни бадандан ювиб юборган маъқул.

Денгиз тузи солинган ванна бод касаллиги ва бўгин оғриқларига қарши яхши воситадир. Шунингдек, остеохондроз (баданда туз йиғилиши) ва бошқа тан жароҳатла-

## ВАННА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАСИ

ҳаракатланиш, энгил уқалаш жуда фойдалидир.


### ТУЗЛИ СУВ ЧАРЧОК ВА КАРАХТЛИКНИ ЕНГАДИ

Ваннада, туз солинган сувларда чўмилиш вужудимизда хукмрон бўла бошлаган камкуватлик ва ҳорғинликни енгади.

Денгиз сувларидан олинадиган шаффоф тузларнинг фойдали хусусиятлари аввалдан маълум.

Тузнинг шифобахш хусусиятларини биргина тузли ванналарда ҳам кўриш мумкин. Туз солинган сув бадани таранглаштиради, тирноқларни чиққиради. Сувга ош туздан 250-500 грамм ташлаб, яхшилаб эритинг. Тузли сув яхши самара беришини истасангиз, қорин, қафтлар ва товонларни алоҳида ишқаланг. Ваннадан сўнг танангизда қолган туз сизда гўё ҳозиргина денгизда чўмилиб чиққандаги сингари ҳиссиётни уйғотади. Шундан кейин ҳам қабул қилмоқчи бўлсангиз, марҳамат. Бу билан тузнинг тозалантирувчи ва тетиклик берувчи қуввати камайиб қолмайди.

Агар сиз ўзингизни доим дармонсиз ва ҳорғин ҳис этиб юрсангиз, кўйидагича ванна қабул қилишингизни маслаҳат берамиз. Илик сувда оддий ошхона туздан бир ярим



рини даволашда туздан кенг фойдаланишдади.

Ортиқча семириб кетганлар учун ҳам тузли ваннанинг нафи каттадир. Бундай ваннанинг ҳарорати 20-30°С бўлиши керак. Ванна

дан сўнг бадани яхшилаб сочиқ билан ишқаланг. Булардан ташқари, тузли сувдан кўтарилган буг киши кайфиятини энгиллаштиради, организмни ёқимли ҳис қамраб олади.

Сув муолажалари учун яхсиси табиий денгиз тузи ёки тош тузлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар дорихоналарда сотилади. Денгиз тузи организмни тозалаш ва руҳий даволаниш учун энг яхши воситадир. Тош туз эса ер қувватига эга бўлиб, осойишталик ва мўътадиллик бахш этади.


Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, техник йўллар билан олинган ёки буғланиш воситасида пайдо бўлган тузлардан асло фойдаланманг. Бундай тузларда биологик хоссалар йўқолган бўлади. Натрий, магний, калий сингари табиий бирикмаларга бой бўлган тузлардан фойдалансангиз кўнглидагидек натижага эришасиз. Бундай ҳолларда табиий тузлар қўтилган натижани беради.

## ҲАММАСИ АСАБДАН

### Ўзингизни синаб кўринг

	Душ	Сеш	Чор	Пай	Жум	Шан	Як
Кам уйқусиз ёки умуман ёмон ухлайсиз							
Ишга бораётиб ёки уйга қайтаётиб йўлда кайфиятингиз бузилди							
Ишхонада кайфиятингиз бузилди							
Ишингиз умуман сизга ёқмайди							
Ҳаддан ташқари шовқин-сурон ҳам кайфиятингизга таъсир этади							
Кунда уч пиёладан ортиқ қаҳва ичасиз							
10 тадан ортиқ сигарет чекдингиз							
Спиртли ичимлик ичдингиз							
Кам ҳаракатсиз							
Кўп овқат едингиз							
Кўп ширинликлар истеъмол қилдингиз							
Шахсий муаммолар кўп							
Ишдан кейин ҳам юмушларингиз тутмайди							
Жанжалли масаладан таъбингиз тирриқ							
Ўз ишингиз сифати борасида шубҳангиз бор							
Бошингиз оғриди							
Юрагингиз беҳол бўлиб туради							
Ошқозонингизни оғриқ безовта қилади							

Замондошларимиз доимий равишда асаб ва юрак-томир системалари ишига салбий таъсир этувчи организмнинг турли ташқи ҳодисалар, касалликларга қаршилигини сусайтирувчи психологик ҳолатни бошдан кечирадилар. Немис психологлари ишлаб чиққан кўйидаги тест ана шундай ҳолат ҳафта бўйи қандай тарзда жамлаиб боришини кузатишди. Сиз бу тест орқали ҳаёт тарзингизни тўғри ташкил этган ё эзмаганлигингизни аниқлашингиз мумкин.



Жадвални ҳафта бўйи ҳар куни кечкурун тўлдириб боринг. "Ҳа" демоқчи бўлсангиз бир белги қўйинг. Ҳар бир белгингиз бир баллини ташкил этади. Ҳафталик кузатувдан кейин ҳаёт тарзингизни қандай ташкил этганлигингиз тўғрисида маълум бир тасаввурга эга бўласиз.

**1-20 балл.** Нормал ҳолатдасиз. Аммо яна кўшимча бир ҳафта шу жадвал асосида ўзингизни синаб кўринг.

**21-40 балл.** Ҳозирча ҳол-аҳволингиз унчалик ҳам ёмон эмас. Лекин энди зудлик билан катта балли ташкил этаётган ҳар бир пунктга эътиборни қаратинг. Яқин орада улар сизнинг соғ-саломатлигингиз қандайдир касаллик тазйиқи остида эканлигини аңглатади.

**21-60 балл.** Саломатлигингиз оғир синов олдида турганлиги ойнадек равшан. Агар яқин орада ўз ҳаёт тарзингизда бурулиш ясамасангиз соғлигингиз янада оғирлашади.

**60 балдан юқори.** Саломатлигингиз оғир хавф остида. Бирма-бир йиққан балларингиз мазмунини анализ қилиб чиқинг. Ҳаёт тарзингизда кескин ўзгариш ясанг. Бу иш тезда ўз самарасини кўрсатмаслиги ҳам мумкин. Яна бир бор ўзингизнинг воқеа-ҳодисаларга муносабатингизни ўйлаб кўринг. Соғлигингиз ўз кўлингизда эканлигини унутманг.

## ОЁҒИНГИЗ ОҒРИЯПТИМИ?

### Айб пойабзалда эмас

Ақсарият одамлар оёқлари оғриси, пойабзалдан кўрадилар. Лекин бу бекор гап. Оёқни парваришlash тўғрисида бироз қайғурсак, ҳаммаси ўтади-кетди. Пойабзални доимо оёқ кийими мойи (ўсимлик мойи ҳам тўғри келади) билан авайлаб суркаб туриш керак. Ботинка ёки туфлининг орқа томони қаттиқлигидан оёқ товонини қавартириб юбормаслиги учун пойабзалнинг ўша жойини шам, юмшатишган совун ёки спирт суртиб, юмшатиш мумкин.

Агарда оёқларингизда қадоқ пайдо бўлса, ёрилса, шилинса синовдан ўтган воситалардан фойдаланинг. Масалан, оёқни ванна қилинганда қон айланиши яхшиланади, ҳорғинлик кетиб, товонлар юмшаб тозаланади. Бунинг учун иссиқ сувли тоғорага мойчечак ёки зигир уруғидан тайёрланган дамламадан (1 литр сувга 1 ош қошиқ миқдорда) солинади. Ваннадан сўнг оёққа мойчечак кремани суртиб қўйинг.

Оёқ товони ёрилса, қадоқ пайдо бўлган бўлса ҳафтада бир марта мойчечак дамламаси қўшилган совунли-содали иссиқ сувда 10-20 дақиқа давомидан ивйтиб турилади. Истеъмол содасини 3 литр сувга 1 ош қошиқ миқдорда солиниши керак. Шундай хонаки муолажани 6-10 марта қайтарсангиз товон ёрилишидан, қадоқлардан халос бўласиз. Картошка чиқиндисидан ҳафтада 1-2 марта товонларга компресс қилсангиз дағалланиш ва ёрилишлар йўқолади. Бунинг учун чиқиндиларни обдон яхшилаб ювиб, зигирносия уруғи кукундан бир сиқим кўшасиз ва унга бироз сув қўшиб, бўтқа бўлгунча қайнатасиз. Тайёр бўлган бўтқани илқ ҳолда товонга қўйиладу ва 15-20 дақиқа ушлаб турилади. Кейин илқ сувда ювиб ташлаб, биронта крем суртиб қўйинг.



Икки чой қошиқ истеъмол содаси қўшилган иссиқ ваннадан сўнг товонларга пийёздан тайёрланган компресс ҳам яхши фойда беради. Юмшатиб, эзилган пийёзни товонга жойлаштириб, полиэтилен халтача билан ёпилади ва шу хольча ўринга ётилади. Эрталаб компресс олиб ташланади, товонлар йўнғиртош билан тозалангач, ёғли крем суртилади. Бу муолажани 2-3 марта қайтариш kifoya.

Оёқнинг терлаши ноқулай оёқ кийими кишини қандай ёмон аҳволга солса, шундай кўнгилни беҳузур қилади. Бу нохуш ҳолатни бартараф қилиш учун ёз пайтида бир ой давомида кунига икки маҳал маврак (шалфея) дамламасидан чорак стакандан ичиб бориш керак. Бу дамлама бир стакан қайноқ сувга 1 ош қошиқ маврак қўшилмасидан иборатдир. Иложи бўлса бир кунда икки маҳал оёқни ювиб, яхшилаб артиб, бармоқлар орасига янги узилган қайин даррахти баргларини қўйиш фойдалидир. Яна бармоқлар орасига бугдой похolini ўраб қўйса ҳам бўлади. Баъзилар қандай бўлмасин куриган ўрни майдалаб, пайпоқ ичига солиб ухлайдилар. Бу ҳам фойдадан ҳоли эмаслиги синовдан ўтган. Ҳафсала қилсангиз бу муолажани ҳам бир неча марта қайтаринг.

Наъматак барги, гули, мевасидан иборат дамлама тер ҳидини йўқотади. Эрталаб тургач, совуқ сувда оёқ ювиб ташланади. Яна шуни билиб қўйингки, оёқянади куруқ ерда, полда, ҳатто қорда юриш ҳеч қачон зарар қилмайди.

## КОМПРЕСС ОҒРИҚНИ ҚОЛДИРАДИ

Ҳоҳида қаеримиздир оғриб қолса, унинг асл сабабини билолмай қийналамиз. Баъзида, "ҳамма ёғим оғриб кетяпти-я", деб ётиб-ётиб, кейин туриб, юрак кетамиз. Бирпас ўтгач, ўз-ўзидан кетиб қолади. Буни тиббий ёки атеросклероз деб аташади. Яна шундай ҳам бўладики, киши дам олаётганида оғриқ пайдо бўлади. Бу қаерингиздир шамоллаганидан далолатдир.

Бундай оғриқларни энгиш мумкинми? Ҳа, мумкин экан. Лимон бўлақларидан иссиқ компресс тайёрлаб, оғриқ жойга қўйинг. Лекин дард қуйса, компрессни дарҳол олиб ташлаб, шифокорни чақиринг.

Ҳаммага маълумки, кўкимтир картошка нитратларга бойдир. Бундай картошкани овқатга ишлатмаймиз, компресс учун жуда асқотади. Картошка яхшилаб ювилиб, қирғичда майдаланади (ёки гушт ўтказгичдан фойдаланса ҳам бўлади). Уни 38 градусли иссиқ сув устига қўйиб иситилади. Сўнг бўз халтачага солиб, оғриётган жойингизга қўясиз. Халтача оғриқ аъзоингизга мос ҳажмда бўлиши керак. Устидан клёнқа ёпиб қўйишни унутманг. Бойлаб қўйсангиз анча пайтгача сурилиб, ёки суви ёқиб кетмай туради. Оёқларингиз тагига ёстиқ қўйиб, сал баландроқ ҳолатда ётинг. Баданингизга югурган иссиқни ҳис этишингиз билан уйқунгиз келади. Агарда компресс иситмаса, демак уни яхши тайёрламагансиз.

Муолажа кўнгилдагидек тайёрланган бўлса, оғриқ 20-30 дақиқа ичида тўхтайдди. Компрессни ҳар куни ётиш олдидан қўйиш керак. 2-3 кун ичида оғриқ батамом тўхтаса, компрессни такрорламангиз ҳам бўлади.

**КАЙФИЯТИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ**

Ўзингизни-ўзингиз кўларингиз билан силасангиз бу таранг тортган асабларингизни тинчлантиради, шу билан бирга вужудингизни кемираётган безовталиқ, гам-ташвиш, жаҳлингиз ҳам ўз-ўзидан йўқолади.

**ОҒИР ЎЙ-ХАЁЛЛАРИНГИЗНИ ҚУВИБ ЮБОРИНГ**

Баъзида кўрагингизда оғирлиқ сезасиз, нимадир тикилиб қолгандек гўё... Ёқимсиз туйғу сизни безовта қилаётгандек бўлади. Бундай ҳолатдан осонгина қутулиш мумкин. Кўрагингизнинг юқори қисмига кафларингизни устма-уст қўйиб шу жойни секин-секин силаб босинг.

**МАЙДА-ЧУЙДА АЖИНЛАРНИ ЙЎҚОТИНГ**

Бу машқларни ҳар куни бажаринг. Ана шунда юзингизда энди пайдо бўлаётган майда ажинлардан фориғ бўласиз. Ўрта ва ундан кейинги жимжалогларингиз билан кўз остини оҳиста-оҳиста 9 марта уриб-уриб силанг.

**ТЎСАТДАН ПАЙДО БЎЛГАН ИШТАХАДАН ҚУТУЛИНГ**

Шунақаям иштахангиз кўзганки... Сиз эса қоматингизни, озишни ўйлайсиз. Овқатга қўл чўзмай туринг. Кўзгалган иштахани мана бундай қилиб йўқотиш мумкин. 5 марта жимжилогингизни бурун ости лаб устидаги чукурчага 10 бор босиб-босиб олинг.

**БОШ ОҒРИҒИНИ ДАВОЛАНГ**

Бошингизда энгил оғриқ сезаяпсиз. Дарров кафларингизга ўсимлик ёғи, (ялпиз ёғи бўлса янаям соз) суртиб чаккангизни икки қўлингиз билан яхшилаб силанг. Оғриқ 3-5 минутдан сўнг йўқола бошлайди.

**ДИҚҚАТИНГИЗНИ ЖАМЛАБ ОЛИНГ**

Диққатингизни жамлашга қийналаяпсизми? Тирсагингизни стол устига қўйиб, кафларингиз билан кўзларингизни юминг. Атиги бир минутгина ташқи оламдан узилинг. Бу эса диққатингизни жамлашингизга, озгина дам олишингизга имкон беради.

**ЎЗИНГИЗНИ МАРДОНАВОР ТУТИБ, ХОТИРЖАМЛИКНИ ҲИС ЭТИНГ**

Айтайлик, сиз муҳим бир учрашувга бораёпсиз. Ёки қандайдир бир гуноҳингиз учун бошлиқ олдига кириб ҳисоб бермоқчисиз... Ҳаяжонланаяпсиз. Бармоқларингиз учини бир-бирига қаттиқ бирлаштинг. Сўнгра ўзингизни бўш қўйинг, эркин нафас олинг. Бу машқни ўзингизни хотиржам ва мардонавор тутгунингизча давом эттираверинг.

**КЎЗГУГА БОҚСАНГИЗ ФОЛБИНГА БОРИШ ҲАМ ШАРТ ЭМАС**

**Ўқинг, хулосани ўзингиз чиқаринг**

Юзинг аниқ белгиланган бир неча турлари мавжуд.



Юзи чўзинчоқ, кўз, бурун, оғизлари тўғри пропорцияда жойлашган одамнинг авлод-аждодлари киборларга мансуб эканлигидан дарак беради. Бундайлар одатда оммани бошқара оладиган яхши ташкилотчилардир. Учбурчак шаклдаги юз унинг соҳиби юксак салоҳиятга эга. Бундайлар серхиссиёт, аммо баъзи бирларига эса муғомбирлик, олғирлик каби хислатлар ҳам ёт эмас.

Думалоқ юзликлар одатда яхшилик қилишга, эзгуликка мойилдирлар. Улар ҳаётсевар, яхши туриш-турмушни истайдиган, манманликдан йироқ кимсалардир.

Квадрат юзликлар одатда, хукмдор одамлардир. Улар тезлик билан ҳукм чиқарадилар, мақсад-муддаога тиришқоқлик, зийраклик билан эришадилар. Улар ўз максадлари йўлида совуққон ҳаракат қиладилар, баъзида эса зулм ўтказишдан тоймайдилар.



Баланд ва кенг пешона ақллилик нишонасидир. Баланд пешона характернинг тиришқоқ, кучли эканлигидан дарак бериб туради.

Аксинча пешонанинг торлиги, бурчак шаклида эканлиги салоҳиятсизликдан дарак беради, аммо ўзига пухта ва пишиқликдан нишона.

Пешонаси тор, бунинг устига сочлари пешонасини қоплаб ўсган кимсалар зерикарли, кам ўйловчи одамлар эканлигидан дарак бериб туради.

Пешонадаги аниқ кўриниб турувчи горизонтал узун ажинлар яхши белги. Бу ажинлар унинг соҳиби ҳаётда кўп нарсага эришишидан дарақдир.

Пешонадаги вертикал икки ажин унинг соҳиби катта ташкилотчилик қобилиятига эгаллигини билдиради. Агар бу вертикал ажинлар қийшиқ кетган бўлса, бундай одамдан эҳтиёт бўлиш керак, унинг эгаси хужумкорлик хислатига эга.



Ияги кенг одамлар - одатда кўпол, терс, муаммоларни куч билан ҳал этишга мойилдирлар. Квадрат ияклар моддий муаммолар доирасида қолиб кетган кишилардир. Квадрат ияк ва олдинга туртиб чиққан суяклар мардонаворлик, тезкорлик белгисидир.

Ияги айланма одамларни табиат ҳиссиёт ва ақл-хуш билан сийлаган. Ияги ўткир туртиб чиққан одамлар айёр ва тадбиркорлик хусусиятига эга.

Ияги ҳар жиҳатдан рисоладагидек одамлар иродали, ўзига ишонган кишилардир. Ияги кириб кетган одамлар эса иродасиз, оғир феъл-атворли, суҳбатга киришмайдиган кимсалардир.



Ингичка лаблар-совуққон, хасис одамларга хосдир. Дўрдоқ лаблар эгалари яхши ҳаёт қувончларига берилишга мойилдирлар.

Айтишадикки, аниқ чизик тортган лаб эгалари ҳисобдандирлар.

Ўпилмайдиган лаблар эгалари иродаси суст кишилардир.

Агар лабнинг тепа қисми ингичка бўлса, паст қисми сал дўрдоқ бўлса, бундай одам ўзига ортиқча баҳо берадиган, шухратпараст кимсалардир.

Лабнинг тепа қисми дўрдоқроқ ва олдинга туртиб чиққан бўлса, бундай лаб эгаси киришимли, келишувчан, чекинувчан кишидир.

Оғзининг қийшиқлиги - асаби тез, доимий ҳамма нарсадан норози одамни аниқлатади. Лабнинг икки бурчаги пастга эгилган бўлса, бундайлар жаҳли тез чиқади, ўжар, инжиқ одамлардир.

Чиройли бичимли кулоқ ажойиб қалб эгаларига хосдир. Катта ва қаттиқ кулоқлар мустақкам соғлиқдан нишона ва бун-

дай кулоқ соҳиблари узок умр кўрадилар.

Агар кулоқнинг тепа қисми туртиб чиққан бўлса, унинг эгаси катта салоҳият ва ақл соҳиби эканлигидан ишорадир. Кулоқнинг ўрта қисми ривожланган бўлса бундай кишилар серкувват ва куч - қудратли эканлигига далолат. Кулоқдаги дўнганнинг катталиги эса жинсий қувват мустақкамлигига далолатдир.

Кулоқлари учдор одамлар айёр ва эпчилдирлар.

Кулоқ кўз қисмидан юқори жойлашган бўлса - ақллилик, кўздан пастроқда жойлашгани эса ақл етишмовчилигидан дарақдир.



Узун бурун - бу шахс ўзига хос феъл-атворли эканлигини сўзлайди. Ихчам бурун эса унинг соҳиби ҳаётсевар ва дўстпарвар эканлигига далолатдир. Агар ана шу ихчам бурун учи озгина тепага кўтарилган бўлса, бундай кишилар очиқ ва жинсий ҳаётга ўч одамлардир.

Ингичка, дўн бурун эгаси мағрур ва тиришқоқ кимсасидир. Бурун бурғунинг тумшугини эслатувчи одамлар қасоскорлардир.

Чиройли кўз одамга алоҳида қиёфа бахш этади. Кўзларидан нур чакнаб



турган одамлар ички қуввати кучли ва юксак ишчанлик қобилиятига эса кишилардир. Нурсиз кўзлар эгалари эса аксинча, заиф, гамга, тушқунликка мойил кимсалардир.

Катта кўзлар эгалари ижодкорлик, фалсафий мушоҳадаларга бой эканлигига далолатдир. Айтишадикки, кўзлар қанча катта бўлса, унинг эгалари шунча даражада ҳиссиётли кишилардир.

- ✓ Пича ухлашга уриниб кўринг: кўлгина кишилар бир оз ухлаб дам олганларидан сўнг бош оғриғи қолади.
- ✓ Пешона ёки бўйингизга музли латта қўйинг ёки аксинча, - иссиқ душ қабул қилинг ва бўйингизга иссиқ нарса қўйинг.
- ✓ Ўткир хидли атир-упадан фойдаланманг: кучли ис мигрени осонгина чақариши мумкин.
- ✓ Кўзингизни эҳтиёт қилинг: ҳар қандай кучли ёруғлик кўзни қамаштириши ва бу кўпинча бош оғриғига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам уйни

**АГАРДА БОШИНГИЗ ОҒРИётган бўлса**

- ✓ Сақич чайнаманиг: ҳадеб сақич чайнайверсангиз, бу чакмак мушакларини чарчатиши ва бош оғриғига олиб келиши мумкин.
- ✓ Тузга кўп ҳам ишқибоз бўлаверманг: овқатни шўр ейиш кўпгина кишиларда мигренини кўзгаёйди.
- ✓ Ҳар қандай уй бекасининг ошхонаси тоқчасида лимон, яна ҳам тўғрироғи, унинг пўчоқлари топилди. Лимонни тозалаб, чакакка қўйиш керак. Карам япроқ-

- ларидан ҳам фойдаланиш мумкин, фақат барглари гарданга қўйилади.
- ✓ Агар бошингиз мунтазам оғриб турса, янги картошка шарбатини ичиш ҳам мумкин. Картошка шарбатини чорак стакандан ичилади.
- ✓ Баъзи бир мевалар ҳам оғриқни қолдирувчи ажойиб восита ҳисобланади: ҳам ичишда фойдаланиш ҳам даво бўлади. Халқ табибатида қорағат, шотут, брусника, қулпунай, ертугдан фойдаланиб келинади. Бундай меваларнинг чорак стаканини қабул қилсангиз, бемалол у цитрамон таблеткаси ўрнини босади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

**Oilavajamiyat**

Фойдаланилмаган кўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент - 700000  
Амир Темуր кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ - 176**  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 139. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
Адади - 15856  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ  
Расмом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
Навбатчи — Л. АҲМЕДОВА  
Мусахҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5